

**ЎЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ЖОҚАРЫ ҲӘМ ОРТА
АРНАЎЛЫ БИЛИМЛЕНДИРИЎ МИНИСТРЛИГИ**

**БЕРДАХ АТЫНДАҒЫ ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮРИДИКА ФАКУЛЬТЕТИ

«___ Мәмлекетлик ҳуқық хәм басқарыў _____»
кафедраси

ПИТКЕРИУ КАНИГЕЛИК ЖУМЫСЫ

Тема: “Ўзбекистан Республикасида юритиладиган тил”.

Орынлаған: _____ юридика факультети
4 А курс студенти. Тошпулатов Г.

Илимий басшы: _____ Реймова Г.

Нокис. 2012.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЛИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ	7
1.1. "Давлат тили" тушунчаси ва унинг асосий белгилари	7
1.2. Давлат тили мақоми: тарихий-ҳуқуқий таҳлил	21
2-БОБ. ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	28
2.1. Давлат тили ҳақида амалдаги қонунчиликнинг ҳуқуқий-киёсий таҳлили.....	28
2.2. Ўзбекистон Республикасида давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари.....	38
ХУЛОСА.....	56
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	59

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди¹. Давлат тилининг таъсис этилганлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди². Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта давлат қурилишининг энг муҳим институтларидан бири таркиб топди.

Давлат тили мақоми масаласи ҳар қандай мамлакат учун ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Аммо у ёки бу тилнинг давлат тили деб эълон қилиниши у билан боғлиқ муаммолар узил-кесил ҳал қилинди, дегани эмас. Бунинг учун Ўзбекистон каби кўп миллатли Республиканинг давлат тилига хос хусусиятларини, унинг амал қилиши ва бошқа миллий тиллар билан муносабати масалаларига бағишланган жиддий тадқиқотлар зарур. Шунга қарамадан, давлат тили масаласи ҳуқуқ илмида ўзининг муносиб ечимини топганича йўқ. Давлат тили эгалари тушунчаси аниқланмаган, тилнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ўрганилмаган. Бу каби ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда, энг аввало, давлат тилини тил ҳуқуқий режимининг бошқа турларидан - миллий тил, расмий тил, миллатлараро муомала тили, Ўзбекистон Республикаси субъекти тили, зич бўлиб яшайдиган аҳоли тили ва шу кабилардан фарқлаш лозим.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилганлиги ижтимоий-ҳуқуқий тараққиётни сунъий жадаллаштириш тарзида тушунилмаслиги керак. Чунки у Ўзбекистонда истиқомат қиладиган миллат ва элатлар тараққиётининг қонуний ва объектив ҳосиласидир. Тилларнинг ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг фаолиятини тартибга солиш эса ижтимоий-ҳуқуқий заруриятдир.

Айнан умумий тил - давлат тилининг мавжудлиги туфайли (албатта,

¹Қаранг: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни. "Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида", 1989, 21 октябрь//Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунига оид ҳужжатлар.-Тошкент: Адолат, 2004.-Б. 13-6.

²Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси . -Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 4-модда.

бошқа айрим таркибий қисмлар ва тавсифлар билан бирга) шахс ўзини муайян халқнинг бир бўлаги, маълум этник гуруҳ аъзоси сифатида идрок этади. Чунки аниқ бир халққа мансубликни белгилашнинг кучли воситаси бўлмиш тил - шахсий ва миллий ўзликни англашнинг асосий шарти сифатида характерланади. Тил нафақат давлатни мустаҳкамлайди, шунингдек, халқнинг маънавий емирилишдан омон қолишини ҳам таъминлайди. Буни эса мустаҳкам эътиқод ва баркамол ҳуқуқий онг тараққиётсиз тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг шу муносабат билан сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаб айтган эдики, "Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ишини давлат сиёсати даражасига кўтариш керак. Чунки мустақиллик тушунчаси ўз ичига катта, улкан ҳуқуққа эга бўлишни ҳам англатади. Яъни мустақиллик нафақат озодлик, эркин ҳаёт туйғусини, балки ўз тақдирини узи яратишнинг онгли ҳуқуқини ҳам яратади³.

Тилнинг ўзлигини йўқотиши миллий ва шахсий ўзликнинг бузилиши билан ҳам боғлиқ. Бу ҳолат бозор иқтисодиёти ва ҳозирги глобаллашув жараёнлари туфайли кескин тус олмоқда. ЮНЕСКОнинг маълумотларига караганда, бугунги кунда бутун бошли халқлар гаплашаётган уч мингга яқин тилнинг йўқолиб кетиш хавфи бор.

Давлат тилининг қўлланиши билан боғлиқ ҳолатларни, жумладан, тиллардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг йўл ва усларини ўрганиш уларни сақлаб, асраб-авайлаш ва ривожлантиришда, турли мақомга эга бўлган тиллар учун бир хил шароит яратиш эса давлатчиликни, миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади, фуқаролик жамиятининг муваффақият билан амал қилишида асос вазифасини ўташини кўрсатади.

Изчил бўлмаган тил сиёсати фуқароларнинг тилдан фойдаланиш

³Каримов И.А. "Юксак ҳуқуқий тафаккур - демократик жамият тақозоси" // Хавфсизлик ва тараққиёт барқарорлиги йўлида. 6-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -27 б.

хуқуқларининг камситилишига, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига ҳам олиб келиши мумкин.

Тиллардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларнинг сиёсат билан узвий боғлиқлигини, алоқада бўлишини ва кўпинча, бевосита сиёсий конъектура (аҳвол) билан белгиланишини инкор этмаслик керак. Бу муаммолардан энг долзарби давлат тили мақомини қонун йўли билан ҳал қилиш масаласидир. Давлат тили, бу - миллатлараро мулоқот, давлат ва жамиятнинг барча расмий доираларида қўллаш мажбурий бўлган тилдир. Бу тил давлат рамзи ҳамдир.

Шундай қилиб, демократик давлат қураётган бизнинг юртимизда ҳам тилнинг ҳуқуқий масалаларини ўрганишга, давлат тили мақомини такомиллаштиришга, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган тиллар ҳақидаги қонунчиликни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқишда илмий асосланган ёндашувларни излашга эҳтиёж сезилади ва бу биз танлаган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади -мавжуд материаллар асосида тилнинг ҳуқуқий масалалари, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиш хусусиятлари, унинг роли ва аҳамияти, қўлланиш самарадорлиги ва қонунийлигини таҳлил қилиш, республикамизда тилнинг ҳуқуқий мақоми ривожининг асосий йўналишларини аниқлаш, тил меъёрларининг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ тавсиялар ишлаб чиқиш.

Шунингдек, ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси давлат тили сифатида қўлланиши масалаларига оид қонунчилик ҳолатини ўрганиш, унинг ҳуқуқий мақомини ошириш ва фуқароларнинг тилдан фойдаланиш ҳуқуқларини янада тўлиқроқ ҳаётга татбиқ этиш йўллари аниқлаш ҳам ушбу тадқиқотнинг мақсадини ташкил этади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни ижроси билан боғлиқ ҳолда давлат ва фуқаро ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тадқиқотнинг **объектини**

ташқил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни, хорижий давлатлар конституциялари, конституциявий қонунлар, кодекслар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқотнинг **предметини** ташқил қилади.

Тадқиқот методлари. Ишда қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, социологик, лингво-юридик, техник-юридик, функционал, статистик ва бошқа методлардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг тузулиши ва ҳажми мақсад ва вазифаларига мос ва у кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЛИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1.1. "Давлат тили" тушунчаси ва унинг асосий белгилари

Ҳар қандай халқ тили, юқорида таъкидланганидек, шу халқ миллий маданиятининг энг муҳим таркибий қисми. Чунки у ўзига хос этномаданий ҳодиса сифатида миллат билан бирга шаклланади ва мазкур миллат юзага келишининг етакчи, рмили-ҳисобланади. Шу миллатлар ўз давлатчилигини қўлга киритаётган кезларда тил сиёсати давлат қурилиши мақсадларига хизмат қилади.

Тил нафақат миллатни шакллантиради, шунингдек, давлатнинг юзага келишини таъминлайди. Демак, олдинги ўринларда ҳам эслатиб ўтилганидек, тил, миллат, давлат бир-бирини тақозо этадиган, бири иккинчисисиз фаолият кўрсата олмайдиган серқирра категориялардир.

Бирорта давлат ҳам ўзи устувор санаган тилсиз ўзини тўлиқ намоён этолмайди ва бирорта миллий тил ҳам давлатсиз яшай олмайди. "Давлат тили" тушунчасининг пайдо бўлиши ана шу омиллар билан белгиланади.

"Давлат тили" тушунчаси қулдорлик деб аталадиган даврларга бориб тақалади. Унинг юзага келиш ва таркиб топиш жараёни Айниқса, Қадимги Римда яққол ўз ифодасини топган. Рим империясини ларзага келтирган ижтимоий муҳит кўп сонли қабилаларнинг элат бўлиб бирикиши ва ягона давлат тили - лотин тилининг шаклланишига олиб келди.

Бироқ антик давр илмида давлат тили билан боғлиқ муаммолар ўрганилмаган. Давр файласуфлари (Афлотун, Арасту ва б.), асосан, тилнинг пайдо бўлиш масалалари билан шуғулланганлар. Бу ҳолат бизнинг кунларимизгача, яъни XX асрнинг 80-йиллари охирларигача собиқ иттифокнинг қулаши билан МДҲ мамлакатларида давлат тили мақоми таъсис этилгунга қадар давом этди.

Ўзбекистон Республикасида "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул

қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституциясига ўзгаришлар киритилди ва 1992 йилда қабул қилинган Конституциянинг 4-моддасида ўз ифодасини топди: "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир"⁴. Қорақалпоғистонда бундай мақом қорақалпоқ тилига берилди. Давлат тилининг давлат суверенитети асосий белгиси (рамзи) сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Асосий тамойиллар" деб номланган биринчи бўлимида қайд этилганлиги давлатимизнинг унга бўлган муносабатининг ёрқин намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига давлат тили билан боғлиқ ўзгаришлар киритилгандан кейин монографик характердаги ишларда ҳам "давлат тили" атамаси ва тушунчасига муносабат билдирила бошланди. Қизил империя гегемонлик даъвосидан ҳали воз кечмаган, зўравонликка асосланган даври, сиёсий, ҳуқуқий, илмий адабиётларида табу сифатида қаралган "давлат тили"дек ўта сиёсий тушунчага таъриф бериш осон кечмаганини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана ўша таъриф: "Давлат тили бу - мазкур давлат етакчи аҳолисининг умумқўлланишида бўлган, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда ишлатиладиган тилдир"⁵.

Шунингдек, давлат тилини давлат фаолиятининг барча соҳаларида қўллашнинг мажбурий эканлиги, бу талабни бажармаслик шахс ва ташкилотларга юридик жавобгарлик масъулиятини юклаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик келтириб чиқаради каби фикрлар муаллифнинг ҳуқуқий ҳолатни объектив баҳолай олганини намоян этади. Л.А.Каримованинг тадқиқотида "Миллатлараро муомала тили", "мазкур ҳудуд аҳолисининг аксарият тили", "расмий тил" тушунчалари ҳам таърифланган.

"Давлат тили" тушунчаси юридик атама сифатида луғатларда ҳам ўз

⁴Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 4-моддасига қаранг.

⁵Каримова Л.А. Правовые и нравственные аспекты законов о языках. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. - Ташкент, 1991.-С.14.

ифодасини топа бошлади. Масалан, ЎзМЭда проф. Ғ.Абдумажидовнинг "Давлат тили" номли мақоласи эълон қилинди. Бу атама юридик луғатшунослик тарихида биринчи марта албхйда мақола сифатида берилди. Қуйида мазкур энциклопедияларда давлат тилига берилган таърифларни келтирамиз:

1. "**Давлат тили** - муайян мамлакатда қонун чиқариш, ижроия ва суд ҳокимиятларида иш юритиш учун расмий белгиланган тил"⁶.

2. "**Давлат тили** - давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг расман иш юритиш тили, муайян мамлакатда қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимияти фаолиятида, мактаб, махсус ва олий таълим муассасаларида таълим бериш учун расмий белгиланган тил"⁷.

Давлат ҳокимияти, қоидага кўра, мамлакатда тил вазиятини назорат қилишга ҳаракат қилади. У доимо мавжуд вазиятни қўллаб-қувватлайди ва давлат тилини рағбатлантириб туради. Бунга давлатнинг тил сиёсати дейилади. Тил сиёсати, айниқса, расмий тил муносабатларида янада яққол намоён бўлади. Расмий муносабатлар, деганда эса биз шу муносабатлар томонларидан бири сифатида давлат, унинг органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган муносабатларни тушунамиз. Бу муносабатлар суд ишлари, иш юритиш, қонун чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқарув, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, органлари фаолиятида, илмий ва маърифий муассасалар, ишлаб чиқариш жамоалари, маданият, кундалик турмуш, оммавий ахборот воситалари, Қуролли кучларда ўз ифодасини топмоқда. Расмий муносабатларда қўлланувчи расмий тил деб Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тили эътироф этилади. Бироқ оммавий тил муносабатларини тартибга солиш мақсадида ишлатилиб келинган "расмий

⁶Абдумажидов Ғ. Давлат тили . -Тошкент, 2002, -Б. 165.

⁷Давлат тили // Ўзбекистон юридик энциклопедияси. -Тошкент: Адолат, 2009, -Б. 111.

тил" атамаси кўп маъноли бўлганлиги (умумреспублика расмий тили, Қорақалпоғистон Республикасининг расмий тили, аҳоли зич яшайдиган ҳудуд расмий тили) учун "давлат тили" атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ топилган ва у қонун йўли билан мустаҳкамланган⁸.

"Давлат тили" тушунчасини тавсифлашда унга Н.В.Шелютто томонидан берилган таърифни бошланғич нуқта қилиб олиш мумкин. Мана ўша таъриф: "Давлат тили қонун билан ўрнатилади, давлат томонидан ҳимоя қилинади ва расмий тил сифатида қўлланилади"⁹. Умуман, қоникарли дея эътироф этса бўладиган ушбу таърифда, бизнингча, қуйидаги ҳолатлар ўз ифодасини топмаган: биринчидан, давлат тилида сўзлашувчиларга ишора йўқ. Иккинчидан, бу таърифда давлат тили

қўлланиши мумкин бўлган соҳалар рўйхати келтирилмаган. Учинчидан, давлат тилининг Республика ҳудудида амал қилаётган бошқа тиллар билан ўзаро муносабати кўрсатилмаган. Бу каби масалалар Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонунида ҳам ўз аксини тўлиқ топмаган.

Умуман, давлат тили каби кенг қамровли тушунчани таъриф ва тавсифлаш ҳуқуқшунос олимлар учун жиддий қийинчиликлар туғдиради. Улар дастлабки уринишдаёқ юридик характерда бўлмаган, масалан, тилга оид, ижтимоий, ғоявий, ахлоқий характердаги қатор тўсиқларга дуч келишади.

"Давлат тили" тушунчаси узок вақтлар салбий ҳодиса сифатида баҳоланиб келинди. Чунки собиқ иттифоқ асосчиси В.И.Лениннинг давлат тилига муносабати салбий бўлган. Унинг фикрича, давлат тили тушунчасини қонун билан мустаҳкамлаш, уни аҳоли онгига мажбуран "қуйиш", мияга "қоқиш" каби зўрлашларни англатади, тилларнинг тенг ҳуқуқлилигига путур етказди. Бироқ онги рус шовинизми билан йўғрилган "дохий" кўп миллатли

⁸Ўзбекистон Республикасиинг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 4-модда.

⁹Шелютто Н.В. О правовом режиме языка//журн. «Советское государство и право». 1989, № 4. -С. 76

давлатда миллат ва элатларнинг она тили билан бир қаторда, миллатлараро мулоқот воситаси ролини бажара оладиган тилнинг ҳам бўлиши, Россия шароитида бундай тил вазифасини фақат рус тили бажариши мумкинлигини уқтиради. Лениннинг бу "таклифи" моҳиятан рус тилининг давлат тили даражасига кўтаришни назарда тутганлиги аниқ. Унинг бу каби "башоратлари"дан илҳомланган иймон-эътиқоди султ раҳбар ва олимлар В.И.Лениннинг бу шамасини дарров тушундилар ва руслаштириш сиёсатини бутун собиқ иттифоқ доирасида кенг кўламда, оғишмай амалга оширдилар.

Давр ва, айниқса, юртимизда қарор топган Истиклол, марксчи-ленинчиларнинг буржуазия ҳукмрон бўлган шароитларда давлат тили тилларнинг тенгсизлигини англатади, шундай мақомга эга бўлмаган тилларни камситади, кабилидаги сафсаталарининг назарий жиҳатдан пуч, амалий жиҳатдан яроқсиз эканлигини узил-кесил исботлади.

Дунёнинг бошқа мамлакатларида "давлат тили" тушунчасига нисбатан доимо ижобий муносабатда бўлинган. Масалан, давлат тили мақоми Испания Конституциясининг 1-қисми, 3-моддаси билан мустаҳкамланган. АҚШ, Афғонистон, Белгия, Бирма, Иордания, Ирландия, Ироқ, Ливан, Люксембург, Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Ҳиндистон каби мамлакатларда расмий тил қонун йўли билан кучга киритилган¹⁰.

"Давлат тили" ва **"расмий тил"** тушунчаларини, ҳатто, кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ҳам фарқламайдилар. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун П.И.Савицкийнинг қуйидаги сўзларини келтиришнинг ўзи kifоя:

"Белгиянинг 1837 йил 19 сентябрдаги қонунига асосан француз тили мамлакатнинг ягона расмий тили деб эътироф этилган. Шу мамлакатнинг 1898 йил 18 апрелда қабул қилинган қонунига ҳар иккала тил (француз ва фламанд тиллари назарда тутилмоқда) ҳам **давлат тиллари** деб тан олинган".

Келтирилган иқтибосларга асосланиб айтиш мумкинки, давлат тили

¹⁰Конституции буржуазных государств. -М., 1982. -С. 277.

расмий тилдан хизмат имтиёзи белгиси билан фарқ қилса-да, аммо қўлланиш белгисига кўра, унга мос бўлиши ҳам мумкин: давлат тили бу -доимо расмий тил, расмий тил эса ҳамиша ҳам даэлат тили бўлавермайди. Чунки у фақат расмий доираларда амал қилади. Давлат тили доимо қатъий чегараланган худуд (давлат) доирасида фаолият кўрсатса, расмий тил мазкур давлатда ҳам, унинг бирор қисмида ҳам ёки бир неча давлат худудида ҳам қўлланиши мумкин.

Маълумки, "давлат тили" тушунчаси ўзаро тенг икки - **юридик** ва **фактик** - томонга эга. Бинобарин, давлат тилини шу икки томоннинг ўзига хос ифодаси, дейиш мумкин.

Де-юре давлат тили? бу - мазкур давлахда амал қиладиган миллий тиллардан бири. У қатъий чегараланган худуд доирасида амал қиладиган, давлат томонидан қонунчилик асосида тан олинади, шу худудда амал қиладиган бошқа тилларга қараганда функционал имтиёзларга эга. Де-факто давлат тили, миллий тиллардан бири; қатъий чегараланган худудда-давлатда оммавий-тил муносабатларини мувофиқлаштирувчи вазифа бажарадиган тилдир. Мазкур худудда амал қиладиган бошқа бирор тил бундай вазифани бажара олмайди. Чунки давлат тили яхлит юридик категория сифатида қонун чиқарувчилар ва ижтимоий онг томонидан идрок этилади. Шунинг учун давлат тилини шу икки (юридик ва фактик) томоннинг диалектик бирлиги сифатида ўрганиш лозим.

Хуллас, давлат тили мақоми фақат миллий тилга берилади. Бошқа ҳар қандай тил, хоҳ у эсперанто, хоҳ рамзий тил бўлсин, миллий тилга хос хусусиятларни кашф этгандан кейингина давлат тили мақомини олиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси тажрибасига асосланиб айтадиган бўлсак, миллий тилга давлат тили мақоми фақат суверен давлатнинг олий органлари ёки шундай давлат фуқаролари орасида ўтказиладиган референдум орқали берилиши мумкин. Буни шундай тушуниш мумкин; давлатнинг ички миллий-худудий тузилмалари томонидан ёки фақат референдум ўтказиш

йўли билан давлат тили мақомини таъсис этиш мумкин эмас.

Давлат тили - муайян имтиёзларга эгаллиги нуқтаи назаридан биров беўхшов туюлиши мумкиндир. Аммо ундан афзалроқ атамани лугатлардан топишнинг иложи бўлмади. Айни пайтда, тилга оид ҳуқуқларнинг икки турини фарқлаш мақсадга мувофиқ. Булар: 1) қонун йўли билан қафолатланган позитив ва 2) табиий ҳуқуқлардир. Давлат тили шуларнинг иккаласидан ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Давлат тилининг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг барча фуқаролар томонидан эътироф этилиши ва қўлланишидир. Шунга кўра, давлат тили бу - ҳуқуқ барча субъектларининг давлат хоҳиш-иродаси ва давлат-ҳуқуқий бошқарувини тушуниш ва расмийлаштириш яхлитлигини таъминловчи барча соҳаларда фойдаланиш мажбурий бўлган тилдир¹¹. Ва бу имтиёз мазкур тилнинг муҳим ижтимоий аҳамияти билан шартланган объектив характерга эга.

Давлат тили ўзининг барқарорлиги, изчил қўллана олиши билан ажралиб туради. У давлат рамзларидан бири. Шунинг учун барча ҳужжатлар паспорт, шахсни тасдиқловчи гувоҳнома, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, диплом ва ўқув муассасаларини тугатганлик ҳақидаги гувоҳномаларни давлат тилида расмийлаштириш давлат ҳокимиятига молик актлар ҳисобланади. Давлат тили турли тилларнинг таъсирида бузиб ёки нотўғри ёзилган киши исмлари, жой номлари ва шу қабиларни миллий анъана ва қадриятлар, давлат тили қонун-қоидалари асосида тўғрилаб ёзишга берилган қафолатловчи имтиёз - расмий ҳужжатдир.

Суд органларининг давлат номидан чиқариладиган ҳукм, қарор ва ажримлари, нотариат органлари томонидан берилладиган ҳужжатлар, расмий қоғоз(бланк)лар қандай ташкилотники бўлишидан қатъи назар, давлат тилида расмийлаштирилади.

¹¹Ермошин Г. Государственно-правовые аспекты языковых отношений // Российская юстиция. -М., 1998. 3. -С. 11-15.

Давлат тили - бу давлат номидан амалга ошириладиган расмий маросимлар тили ҳамдир. Агар давлатнинг расмий ҳужжатини бериш давлат тоmidан белгиланган ёки расмий маросим давлат номидан ўтказилаётган бўлса, бундай маросимлар ҳам давлат тилида ўтказилиши лозим.

Шунингдек, давлат тили - бу давлат ичкарасида олиб бориладиган расмий мулоқотлар тили ҳамдир. Айнан шу сабабдан давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, шу органларга мурожаат этилган (ҳам оғзаки ва ҳам ёзма) ҳолатларда, уларнинг жавоблари, иш юритиш, пештахта, муҳр ва штампларда у ишчи тил сифатида амал қилади.

Давлатнинг хоҳиш-иродаси ифодаси бўлган қонун, қонуности ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам давлат тилида эълон қилинади. Давлат тили элчихоналар ҳужжатлари тили ҳамдир. У қуролли кучларда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, бошқарувда, соғлиқни сақлаш, фавқулодда вазиятларда, давлат миқосида хоҳиш-иродани баён қилишда қатъий амал қилмоғи керак.

Давлат тилларни, уларнинг тараққиётини, Н.В.Шелютто ёзганидек¹², нафақат химоя қилади, шунингдек, уларга ғамхўрлик ҳам кўрсатади, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди, камситишга йўл қўймайди. Чунки тиллар ижтимоий мақомидан қатъи назар, тарихий, илмий ва маданий жиҳатлардан бир хил нуфузга эга (Албатта, тараққиёт даражасига боғлиқ ҳолда). Уларнинг фақат хизмат кўрсатиш доираси бошқача, холос. Давлат тилининг имтиезлилиги унинг хизмат вазифалари талаби ўлароқ юзага келади. Шунинг учун хизмат доирасидан ташқарида давлат тили бошқа тиллардан фарқ қилмайди.

Давлат тили - тегишли ҳужжатларда қайд этилган-этилмаганидан қатъи назар, юқорида бир неча бор таъкидлаганимиздек давлат рамзи.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги объектив сабабларга кўра, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган.

¹²Шелютто Н.В. О правовом режиме языка// Советское государство и право, 1989,№ 4. –С.30-38.

Биринчидан, тиллар қанчалик тенг ҳуқуқли, ижтимоий функциялари қанчалик муштарак бўлмасин, уларнинг реал вазифаси ва аҳамияти бир хил эмас. Ҳар қандай республикада тилга ўз номини берган миллат алоҳида ўринга эга, алоҳида роль ва алоҳида функциялар бажаради. Шунинг учун бу ҳолатлар қонунда, жумладан, Конституцияда ҳам ўз ифодасини топади.

Иккинчидан, кўп миллатли давлатда, одатда, миллий тиллардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммо чиқиб туради. Моҳиятан уларнинг кўпи ижтимоий ҳаёт ва кундалиқ турмушга бориб тақалади. Шунинг учун бу тиллар эгалари бошқа миллат вакиллари билан мулоқот қилиш заруриятига дуч келадилар. Бу каби ҳолатларда республика аҳолиси умумий мулоқот воситаси ролини бажара оладиган тилга, кучли эҳтиёж сезади. Бундай тил турли фаолият соҳаларида қўлланади.

Давлат тилининг миллатлараро мулоқот тилидан фарқи шундаки, кейинги тил мазкур ҳудуд ёки жамоанинг аксарият аъзосига тушунарли. У, юқорида таъкидланганидек, кундалиқ турмуш ва кишилараро муносабатларда ўз-ўзидан (стихияли тарзда) фаолият кўрсатади ва ҳеч қандай ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезмайди, чунки унда юридик мақом йўқ. Бинобарин, "давлат тили" тушунчаси ўз ичига "миллатлараро мулоқот тили" тушунчасини ҳам, "расмий тил" тушунчасини ҳам қамраб олади. Буни қонун йўли билан расмийлаштириш лозим.

Давлат тили, шунингдек, халқ хоҳиш-иродасини ифодаловчи умуммиллий тил сифатида ҳам намоён бўлади. Миллий тиллар тенг ҳуқуқлилиги шароитида қандай конкрет-тарихий воқеликлар туфайли мазкур миллий тил бошқа миллий тиллардан аста-секин ажрала бошлайди ва янги давлат тили функцияларини касб этади, деган савол туғилиши табиий. Биз қуйида ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси давлат тили мақомини олишига имкон берган асосий омилларини белгилашга ҳаракат қиламиз.

1. Ўзбек тили - Ўзбекистон Республикаси аксарият аҳолисининг она тили

хисобланади. Шунинг учун ундан иқтисодий-маданий алоқаларда фойдаланиш кулай ва манфаатли.

2. Ўзбек тили шеваларининг нисбатан тушунарлилиги.

2.1. Ўзбек жонли - сўзлашув тилининг ёзма-адабий тилга яқинлиги. Бу ўзбек адабий тилини олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўрганган бошқа миллат вакили кундалик ҳаётда у ёки бу шевада сўзлашадиган киши билан бемалол мулоқотга кириша олади, деганидир.

2.2. Ўзбек тилида имло ва талаффузнинг нисбатан яқинлиги. Бу ҳолат миллатларо мулоқот тили эгаси бўлмаган кишиларга саводхонлик кўникмаларини тез ва пухта эгаллаб олиши учун кулай омил ҳисобланади.

3. Марказий Осиё туркий тилларининг ўзаро яқинлиги.

4. Ўзбек тилининг жозибали ва бой тил эканлиги. Ўзбек миллий тилининг буюк ва қудратли тил эканлиги аллақачонлар эътироф этилган. Масалан, шоир, мутафаккир, олим ва давлат арбоби, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий бу тилнинг жуда бой, ширали, ифодали тил эканлигини ўзининг "Муҳокамат ул - луғатайн" номли асарида юксак ифтихор билан қайд этган¹³. Ўзбек тилининг бу каби ноёб фазилатларини шу билан ҳам асослаш мумкинки, у ўзининг тарихий тараққиёти давомида ўзи учун фойдали бўлган сўз ва ибораларни фаол ўзлаштириб келди. Луғатнинг фавқулодда бойлиги, стилистик ва фразеологик имкониятларнинг серқирра - эканлиги - буларнинг барчаси ўзбек тилининг умуммиллат, умумдавлат тили сифатида эътироф этилиши, Ўзбекистон Республикаси халқлари ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги, Ватанимизнинг мумтоз маданияти, маънавияти, илм-фани, давлатимизнинг серқирра ички ва ташқи фаолияти билан боғлиқ фикрларни қисқа, лўнда, мантиқан изчил ифодалаши учун кенг имконият яратади.

Биз юқорида жамият тараққиёти тил эгаларининг сони, маданий,

¹³Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн // Мукаммал асарлар тўплами. 16-том. - Тошкент: Фан, 2000. -Б.7-40.

маърифий, илмий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий салоҳияти, пировард натижада, тилнинг тараққиётини ҳам белгилайди деган эдик. Шунга кўра, тил ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўз мустақиллигини, унинг эгалари юксак камолот даражасига кўтарилганда, маданияти ва саводхонлиги ҳуқуқий жамият тараққиёти эҳтиёжлари билан биргаликда яқин ривожлангандагина кўлга киритади. Тил эгалари (шу тилда сўзловчилар) бу - ижтимоий-тил муносабатларига киришувчи шахслардир. Бу таърифни давлат тилига нисбатан қўлламоқчи бўлсак, унинг эгалари кимлар, деган саволга жавоб излашга тўғри келади. Агар давлат тилининг икки хил - юридик ва фактик (амалдаги) табиатини ҳисобга оладиган бўлсак, тил эгалари икки хил бўлиши мумкинлигини ҳам қайд этишга тўғри келади:

1. Давлат тилини асраб-авайловчи, ўзининг умуммиллий тилга эга бўлишдек табиий ҳуқуқини амалга оширувчи субъектлар;

2. Конституция ва қонун билан ижод қилишга, давлат тилида фаолият юритишга, ўз ишини давлат тилининг ҳуқуқий мақомига мувофиқ тарзда ташкил этишга ваколатланган субъектлар.

Биринчи гуруҳга, бизнингча, давлат тилининг жамоавий деб аталувчи эгалари киради. Булар этник (қабила, элат, миллат) ва этаэтик (халқ, сиёсий жиҳатдан бирлашган миллат) жамоалар, давлат тилининг индивидуал эгалари - жисмоний шахслар, қайд этилган ҳар иккала жамоа вакиллари дир.

Кейинги пайтларда ягона миллий (устмиллий) қадриятларни асослашга интилган кўплаб олимлар, санъат арбоблари ягона миллат (собик иттифокда ягона совет миллати каби) ғоясини олға сурмоқдалар. Бу ғоя муаллифларининг даъво қилишларича, бундай миллат гўё мазкур давлатда яшаётган барча халқлар авлодларини бирлаштиради, уларнинг маънавий, маданий мулкларини, миллий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради, шу йўл билан Ғарбда қарор топган инсонпарварлик ва демократик қадриятлар билан боғланади.

Бу фикр, бизнингча, илмий фараз сифатида айтилиши лозим. Бироқ у

амалда ҳам ўз ифодасини топадиган бўлса, келажакда катта қийинчиликлар туғдиради. Ватандошлик маъносидаги миллат ҳақидаги низом миллий муносабатлар назарияси ва амалиётида миллатни этнос (халқ) тараққиётида муайян босқич сифатида анъанавий тушунишни инкор қилишни тақозо этади. Илгари миллат деганда, асосан, тарихан таркиб топган умумийликни, иқтисодий, ҳудудий, маданий, тил, ижтимоий-руҳий бирликни таъминловчи капиталистик муносабатлар ҳосиласи тушунилган ва бу таъриф собиқ иттифоқнинг тарих дарсликларидан мустаҳкам ўрин олган эди. Бироқ ватандошлик маъносида тушуниладиган миллат давлат тузумининг кўплаб вариантларида бўлиши мумкин. Демак, бу тузум, жаҳон тажрибаси кўрсатиб турганидек, этник белгиларга кўра ҳосил қилинадиган таркибий қисмларнинг бўлишини тақрзо этмайди.

Шахс билан давлат алоқасининг таркибий қисмларидан бири, шубҳасиз, тил алоқасидир. Бу ҳолат бизга у ёки бу давлат фуқаролари шу давлат тилини биладиган, асраб-авайлайдиган ва амалда қўллайдиган шахслардир, дейиш учун асос вазифасини ўтайди. Чунки тил мазкур давлат ҳудудида ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатни белгиловчи муҳим омилдир. Демак, фуқаролик давлат тилини билишни, унда ўз фикрини ихчам ва лўнда ифодалай олишни талаб қиладиган ҳуқуқий категориядир.

Илмий адабиётларда "фуқаролик" атамаси билан бирга "апатридлар" ва "бипатридлар" атамалари ҳам изоҳланади. Апатридлар (юн. *apatris*) фуқаролик (ёки табаалик (подданство)дан маҳрум этилган, бипатридлар (би... ва юн. *patris*), аксинча, икки давлат фуқаролигига эга шахслардир.

Биз ҳозиргача фуқаролик мақомига эга бўлган тил эгалари ҳақида гапирдик. Энди Ўзбекистон Республикасида яшайдиган хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг давлат тилига муносабатини кўриб чиқайлик. Уларни мазкур ҳудудда амал қиладиган давлат тили эгалари дейиш мумкинми? Бизнингча, ерли халқ билан аралашиб кетган хорижлик ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бунга бемалол даъво қилишлари мумкин.

Тарихдан ўзга миллат вакиллари она тилидан бошқа, ўзлаштирилган тилда шу тилнинг келгуси тараққиётида муҳим роль ўйнаган буюк асарлар яратганлигини билади. С.Айний, А.Мухтор, М.Шайхзода каби с) санъаткорлари ижоди бунга яққол мисолдир. Аммо давлат тили эгалар деганда аҳолининг жуда кенг катламларини тушуниб, бу масалада кону] доирасидан чиқиб кетиш ва яшаб турган мамлакат тилида гаплаш; оладиган ҳар қандай кишини ҳам тил эгаи деявериш тўғри эмас. Давлап тили миллий асосларга таянишини, унинг эгалари белги-хоссалари ҳам миллий тил эгалари белги-хоссаларига мос бўлиши кераклигини ҳисобга олиб, улар қуйидаги характерли белгиларга эга бўлиши керак, деб, ўйлаймиз:

- давлат тилида эркин сўзлашиш, яъни ўз фикрини шу тилда оғзаки ва ёзма шаклларда баён қила олиш. Бунда тилни эркин билиш даражаси турлича бўлиши мумкин, аммо талаб умумий бўлмоғи лозим: давлат фуқароси шу давлат тилида бемалол гаплаша билиши керак;

- шахснинг мазкур тил муҳитига мослашиб кетганлиги, унинг бу муҳитни ўзиникидек эътироф этиши ёки муҳитнинг алоқа аралашув жараёнига монелик қилмаслиги;

- имло қоидалари, нутқ меъёрларини талаблар даражасида билмоғи, оғишмай уларга амал қишиши ва ш.к.

Шундай қилиб, қайд этилган ҳолатлар мавжуд бўлгандагина биз шахсни муайян тил эгаси дея оламиз. Агар бу фикрни ўзбек тилига нисбатан қўллайдиган бўлсак, унинг эгалари ўзбеклар ҳам, бошқа миллатларнинг ўзбекларга сингишиб кетган вакиллари ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбек миллати ўз ичига, биринчидан, келиб чиқиши ўзбек бўлганларни, иккинчидан, маслагига кўра ўзбекларни, учинчидан, яратувчилик ҳамда ўзбек миллий қадрият ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш жараёнига фаол киришиб кетган шахсларни қамраб олади.

Бу фактларни нафақат сиёсий, шунингдек, юридик жиҳатдан ҳам қайд этиш учун "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисида"ги

Қонунга ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига даъвогар шахсларнинг давлат тилини билиш даражасини аниқлаш учун тест синовларини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу дунёнинг кўплаб мамлакатларида, масалан, АҚШда ҳам кенг қўлланиладиган ҳуқуқий актдир.

Давлат тили субъектларининг иккинчи гуруҳига Конституция ва қонун билан ижод қилишга, давлат тилида фаолият кўрсатишга ваколат берилган субъектлардир¹⁴. Уларга, энг аввало, давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса, ташкилот ва ўз амалиётини давлат қонунлари асосида адо этадиган бошқа субъектлар ҳам киради. Давлат тили субъектларининг бу турига, бизнингча, қуйидаги хусусиятлар хос:

- фаолият юритиш учун норматив-ҳуқуқий асосларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг мавжудлиги;

- маълум ҳаракат-фаолият ҳудудининг мавжудлиги;

- катъий расмий характер, яъни субъектларнинг фаолиятида, ўзаро ҳамда халқаро ва давлат ҳудудида амал қиладиган ҳуқуқнинг бошқа субъектлари, жисмоний ва юридик шахслар билан кечадиган мулоқотда фақат давлат тили доирасида фаолият кўрсатиш.

Юқорида баён қилинганларни умумлаштириб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг тилга оид асосий муаммолари, бизнингча, қуйид агил ардир:

- "давлат тили" тушунчасини юридик тадқиқотлар доирасига кенг кўламда олиб кириш;

- Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган тилларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни билан кафолатланган тенг ҳуқуқлилигига оғишмай амал қилиш;

¹⁴Кокотов А.Н. Русская нация и Российская государственность. - Екатеринбург. 1994. -С . 22.

- давлат тилининг мақомини ҳуқуқ ва норматив ҳужжатлар асосида изчил такамиллаштириш;

- давлат тилини Ўзбекистон Республикасининг умуммиллий бойлиги, давлатчилигимиз рамзи сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилмайдиган тиллар, реклама тили таъсиридан ҳимоя қилиш ва бошқалар.

1.2. Давлат тили мақоми: тарихий-ҳуқуқий таҳлил

Ўзбек тили дунёнинг энг ривожланган тилларидан биридир. У мумтоз адабий анъанага, кенг тармоқли лексикага ва бой ифода воситаларига эга.

Маълумки, ўтмишда ўзбек тили турли мақомларда амал қилган. Ҳусайн Бойқаро даврида (XV асрнинг иккинчи ярми - XVI асрнинг боши) камроқ, амирликлар даврида кўпроқ ҳужжатлар ва иш юритишда (баъзан форс-тожик тили билан бирга) қўлланган. Собиқ иттифоқнинг дастлабки даврларида, аниқроғи, 1918 йилда гўё тиллар тенглигини таъминлашга ҳаракат этилгандек йўл тутилган - Туркистон АССРнинг давлат тили деб туркий (ўзбек) тили эълон қилинган. 1922 йилда имзоланган иттифоқ шартномасида тил масалалари алоҳида модда сифатида қайд этилмаган. Унинг 17-моддасида юридик актларнинг иттифоқдош республикаларнинг кўпчилиги аҳолиси тилларида эълон қилиниши курсатилган. СССРнинг 1924 йилги Конституциясида бу ҳолат СССР гербига бағишланган моддада ўз ифодасини топган.

СССРнинг ,1936 йилда қабул қилинган Конституциясида "иттифоқдош республика ёки автоном область тили" атамаси қўлланган. СССРнинг 1977 йилда эълон қилинган Конституциясида эса мазкур атама билан бирга "автоном округ тили", "мазкур ҳудуд кўпчилиги аҳолиси тили" атамалари ҳам ишлатилган. Мазкур Конституция 1924 йилда эълон қилинган СССР Конституциясининг юридик актларни иттифоқдош республикалар тилида ёзилиши мумкинлиги ҳақидаги моддани қайта тиклади ва бу 1978 йилда

қабул қилинган иттифоқдош республикалар Конституцияларида ҳам ўз ифодасини топган.

Кузатишлар ўша давр ленинча тил сиёсати икки объектив сабабга кўра етарли самара бермаганлигини кўрсатади, Бу сабабларнинг биринчиси кўплаб миллий республикаларда саводхонликнинг пастлиги бўлса, кейингиси миллатлараро муомала вазифасини бажара оладиган умумдавлат тилига бўлган эҳтиёж.

Бу каби ҳолатлар ленинчиларни оғир аҳволга қўйди: рус тили РСФСР (кейинчалик СССР) давлат тили сифатида қонун йўли билан расмийлаштирилса, норозилик кескин кучаяди, шундай вазифани бажарадиган тил бўлмаса, давлат издан чиқади. Шунинг учун улар дастлабки пайтларда миллий тил билан бирга рус тилини қўллашни талаб қилган бўлсалар, кейинчалик "миллатлараро муомала тили" деган қиёфасиз атамани ўйлаб топдилар ва буни Конституция йўли билан ҳам расмийлаштирдилар. Бу ҳолат бошқирд олими Р.Г. Кузеевнинг китобида ўзининг холис ифодасини топган. Унга кўра, ўтган давр собиқ иттифоқ халқлари учун таълим, маданият, илм-фан, ҳозирги жаҳон тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш даври бўлди. Бироқ бу давр аккультурация, яъни халқлар миллий қиёфасининг сезиларли йўқолиши, улар ҳаёт тарзининг ҳозирги рус маданияти қолипларига солиш даври бўлди. Гарчи бу маълум даражада бошқа жойларда ҳам кузатилган бўлса-да, СССРда шафқатсизларча ва зўравонлик асосида амалга оширилди.

Давлат тили сиёсати билан доимо ёнма-ён юрадиган муаммолардан бири ёзув шакли (алифбо)ни танлаш масаласидир. Тадқиқотчилар бу муаммонинг 4 жиҳатини қайд этадилар: тилга оид, иқтисодий, рухий, сиёсий-маданий жиҳатлар.

Тилга оид жиҳат у ёки бу ёзувнинг қулайлигига асосланади. Масалан, ўтган асрнинг 20-йилларида олимлар араб ва лотин ёзувларидан қайси бирини танлаш устида баҳслашган бўлсалар, 30-йилларда миллий тиллар

лотин алифбосидан кирилл алифбосига ёппасига ўтиш даврида кирилл алифбосининг афзаллигини унда лотин тили алифбосига қараганда ҳарфларнинг кўгошги билан асослашга ҳаракат қилганлар (лотин тили алифбосида 25 та, рус-кирилл алифбосида 33 та ҳарф бор).

Буларнинг барчаси ғайрилингвистик манфаатларни ниқоблаш учун қилинган ҳаракатлардир. Россиянинг кўплаб туркий халқлари ҳаётида минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида асосий ёзув вазифасини ўтаб келган, муқаддас Қуръон битилган араб алифбоси туркий тилларга ноқулайлик баҳонаси билан дастлаб лотин, кейин кирилл алифбосига алмаштирилди.

Иқтисодий жиҳат ҳам ёзув шаклини ўзгартириш учун ўйлаб топилган ниқоб эди. Ҳарфларнинг бир алифбода камлиги, иккинчисида кўплиги реал иқтисодий талофотга олиб келмаслигини уларнинг ўзлари ҳам яхши билганлар.

Сиёсий-маданий жиҳат 20-30-йилларда устувор саналган, Чунки кўплаб халқлар учун янги ижтимоий тузумга ўтиш айна пайтда миллий маданий қадриятларнинг алмашиниши деган маънони англатар эди. Содир этилиши мумкин бўлган ағдар-тўнтарларнинг олдини олиш учун рус тилини лотин алифбосига ўтказиш масаласи кўрилди. Бугина эмас: ягона совет миллатини барпо этиш истиқболдаги мақсад экан, унинг ёзуви ҳам бир хил бўлиши керак, деган шиор ўртага ташланган. Н.Ф.Яковлевнинг қуйидаги сўзларига эътибор қилинг: "Иттифоқ ҳудудида рус тили эгаллаган ҳудуд чор миссионерлари православие дини тарғиботчиларининг руслаштириш фаолияти сарқитидир... рус алифбоси ҳудуди ҳозирги пайтда октябрь инқилоби натижасида юзага келган мамлакатлардаги лотин алифбоси билан Ғарбий Европа мамлакатларида амал қиладиган лотин алифбоси ўртасида урйилган ўзига хос пона вазифасини бажаради. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, социализм қуриш даврида СССРда амал қиладиган рус алифбоси, шубҳасиз, анахронизм - иттифоқ халқларини ҳам Шарқ ва ҳам Ғарб

халқларидан ажратиб турувчи имловий тўсиқдир."¹⁵

Н.Ф.Яковлевнинг сўзларидан давлатнинг у ёки бу сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда рус тили, жумладан, унинг ёзуви доимо асосий вазлардан бири сифатида келтирилганлиги англашилади.

XX асрнинг 30-йилларида СССРда қарорлар қабул қилиш "марказ" кўлига бутунлай ўтгандан кейин тил сиёсати зўравонлик асосида юритиладиган бўлди, миллий тилларни ривожлантиришга бўлган ҳаракат кескин пасайди, кўзбўямачилик авж олди. Бунга биз совет воқелигини объектив баҳолай олган А.М.Селшцевнинг мулоҳазаларидан ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Миллий тиллар тараққиёти ҳақида гапириб, А.М.Селишев октябрь инқилоби Россиянинг рус бўлмаган аҳолисида миллий ўзликни англашнинг кескинлашувига олиб келганини, унинг "миллат ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзлари белгилаши мумкин", деган шиори, энг аввало, шу аҳолининг тил фаолиятида акс этганлигини таъкидлайди ва кичик халқларнинг "она тили софлиги"га қаратилган ҳаракатлари ҳақида шундай ёзади: "Бироқ бу тенденцияларга қарамасдан миллий арбобларнинг тили ҳам, уларнинг асарлари ҳам русча элементлар билан тўлиб-тошган. Ижтимоий ҳаёт оқими бирлиги ва марказнинг таъсири тилнинг қайғу-ҳасратлари билан марказ тили элементларининг вилоятлар ходимлари тилига таъсири билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ерли тилнинг софлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас"¹⁶.

Кирилл алифбосига ўтиш жараёни лотин алифбосига ўтиш жараёнидан ҳам жадал суръатларда - атиги бир йилда тугатилди.

Бироқ ўша давр сиёсатидаги муҳим нарса ёзувнинг ўзгартирилганлиги эмас, балки рус тилининг давлат, жамият ва аҳоли турмушининг барча жабҳаларига фаол татбиқ этилганлиги эди. Бунда ВКП(б) МК ва халқ

¹⁵Яковлев И.Ф. За латинизацию русского алфавита// Культура и письменность Востока. -Баку, 1930. -С.36.

¹⁶Қаранг: Селишев А.М. Языки революционной эпохи. - М., 1927. - С. 219.

комиссарлари Советининг 1938 йил 13 мартда "Рус тилини миллий республика ва вилоятлар мактабларида мажбурий ўқитиш ҳақида"ги Қарори аянчли роль ўйнади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, 1938 йилнинг март-апрель ойларида шундай қарорлар иттифоқдош республикаларда ҳам қабул қилинди, Бутун мамлакатда рус тили "буюк", "қудратли" тил сифатида мадҳ этила бошлади.

Н.С.Хрущев иттифоқ халқларининг миллий тафовутларини коммунизм қуриш йўлидаги ғов деб билган ва давлатнинг бош сиёсий раҳбари сифатида уларга барҳам беришга интилиб, энг изчил русификатор сифатида тарихда қолган бўлса, унинг ўтмишдоши Л.И.Брежнев даврида рус тилини бутун аҳолининг "иккинчи она тили"сига айлантириш компанияси авж олган. Бундан кузатилган мақсад рус тилини, имкон борича, кенг ҳудудларда қарор топтириш бўлганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Биз юқорида келтирган "Рус тили - жон тилим", "Рус тили -иккинчи она тилим" каби шиорларни шу компаниянинг ўзбек яловбардорлари олға сурган эдилар. Бироқ ўша даврда ҳам собиқ иттифоқ халқларини ва уларнинг тилларини руслаштириш компаниясига қарши эътирозлар ҳам бўлган.Рус бўлмаган аҳоли миллий ўзига хослигининг ошқора оёқости қилиниши октябрь инқилобининг биринчи кунларидан баланд пардаларда куйланган "тенглик", "миллий тиллар тенг ҳуқуқлилиги", "мулоқот тилини танлаш эркинлиги" каби шиорлар билан хаспўшланди. Бунинг устига, рус тилини билиш мансаб пиллапояларига кенг имкониятлар очиб берганлиги ҳам айна ҳақиқатдир.

Хуллас, собиқ иттифоқ даврида, гарчи СССР Конституцияларида рус тили ҳамон давлат тили деб қайд этилган бўлмаса-да, миллий тиллар на амалда, на Қонунчиликда тенг ҳуқуққа эга бўлди. СССРнинг 1977 йилда қабул қилинган Конституциясида она тилларда таълим олиш ҳуқуқи эмас, балки фақат имконияти кафолатлангани фикримизнинг яққол далилидир.

"Марказ"да ўтказиладиган кўплаб тадбирлар руслаштириш жараёнини тезлаштиргани шубҳасиз. Аммо бу жараён қуйидан - миллий

республикаларнинг ўзидан бошлангани ҳам айна ҳақиқатдир. Шунингдек, маиший муомала тилига айланиб қолган тиллар нуфузининг пастлиги ҳам аҳолининг, айниқса, шаҳар аҳодисининг ёппасига рус тилига ўтиб кетишига олиб келди (гап фақат Ўзбекистон ҳақида бормаяпти).

Албатта, рус тили туфайли эришилган ютуқлардан кўз юмиш воқеликни бўяб кўрсатишдан бошқа нарса эмас: у ҳам инглиз тили каби кўплаб халқлар, жумладан, бизлар учун ҳам дунё илми ва маданиятига йўл очиб берди. Буларнинг барчаси рус ва миллий тиллардан фойдаланиш соҳасида кучли зиддиятларга олиб келди. Бир томондан, рус тилининг мавқеи кучайган бўлса, иккинчи томондан, миллий тиллар ривожланиб кетди, халқлар ўз ҳуқуқларини тушуна бошладилар.

Бу ҳолатлар пировард натижада СССРнинг миллий республика ва вилоятларида тил билан боғлиқ низоли вазиятларни юзага келтирмасдан қолмади. 1985 йилда М.С.Горбачёв бошчилигида авж олган қайта қуриш даврида тиллар билан боғлиқ муаммолар деярли кўтарилмади. Бу давр тил сиёсатига хос муҳим хусусиятлардан бири икки тиллиликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш бўлди. Шунинг учун XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, иттифокдош республикаларда тилга доир қонунчиликни яратиш, тиллар ҳақида қонунлар қабул қилиш жараёни бошланиб кетди.

1987 йилга келиб, СССРда тил сиёсати фақат "марказ" қарорлари билан белгиланадиган сиёсат сифатида барҳам топди: 1987 йилнинг май ойида Молдавияда, 1989 йилнинг 18 январиди Эстония, 25 январиди Литва, 5-майида Латвия тил ҳақида қонунлар қабул қил-ган бўлса, Ўзбекистонда 1989 йилнинг 21 октябрида "Давлат тили тўғрисида" Қонун қабул қилинди.

Бу жараённи 1990 йилнинг 6 майида қабул қилинган "СССР халқлари тиллари тўғрисида"ги Қонун ҳам тўхтатиб қололмади. Чунки собик иттифокдош республикаларда тиллар ҳақида қонунларнинг қабул қилиниши ва уларда давлат тили мақомининг қайд этилганлиги нафақат миллий тиллар тараққиётида, шунингдек, миллий давлатчиликни қайта тиклаш,

мустақилликни қўлга киритишда янги давр бошланганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий вазият 1989-1991 йилларда эълон қилинган газета ва журналларда, Л.А.Каримованинг қайд этилган диссертацияси ва бошқа манбаларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунини мукаммаллаштириш, унинг самарали қўлланишини таъминлаш жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштириш эҳтиёжи амалдаги ўзбек ёзувини алмаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Шунинг учун 1993 йилнинг 2 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида икки моддадан иборат қонуни қабул қилинди.

2-БОБ. ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Давлат тили ҳақида амалдаги қонунчиликнинг ҳуқуқий-қиёсий таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни¹⁷ фуқароларимиз томонидан миллий истиқлол ғалабаси, халқимизнинг катта ижтимоий-ҳуқуқий муваффақияти сифатида эътироф этилди.

Республикамызда жадал суръатлар билан кечаётган туб ўзгаришлар - кишилар онгида мустақиллик туйғуси ва миллий истиқлол ғоясининг тобора чуқурлашиб бораётганини, демократик жамият сари дадил қадам ташлаш мазкур Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди.

1995 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилинди¹⁸.

Ҳақли равишда Истиқлол қонуни дея таърифланаётган ушбу Қонуннинг янги таҳрири шаклан ҳам, мазмунан ҳам янгиланган, унинг ижтимоий ва ҳуқуқий асослари қатъийроқ, давр талабларига мувофиқроқ даражада ифодаланган. Шўро мафқураси ва тазйиқларидан холи бўлган бу

қонун ўзининг ҳаётийлиги, миллийлик томон жиддий бурилганлиги билан ҳам алоҳида эътиборга молик.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг дастлабки ва янги таҳририни қиёслаш масаласи аллақачон олимларимиз

¹⁷Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг "Ўзбекистон ССР давлат тили ҳақида" Қонуни. - Тошкент: Ўзбекистон, 1989.-11 б.

¹⁸Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 1995 йил 21-декабрь, 167-сон. // "Давлат тили ҳақида". Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни матнлари, қонуности ҳужжатлар, қонунни амалга ошириш йўлидаги муаммо ва ечимлар. Ўқув қўлланма-мажмуа -Тошкент: Фан, 2008. -Б.62-63.

этиборини тортган. Масалан, проф. Н.А.Жумахўжа ўзининг "Истиқлол ва она тилимиз" номли китобида бу жиддий ва шарафли ишга қўл урган биринчи олимлардан ҳисобланади. Бироқ унинг: "Назаримизда, янги таҳрирдаги қонунни аввалгиси билан сўзма-сўз, бандма-банд таққослашга эҳтиёж йўқ. Асосий янгиликларнинг моҳиятини қиёсий таҳлил қилиш кифоя",¹⁹-деган сўзларига қўшилиш қийин.

Бизнингча, давлат тили ҳақидаги қонуннинг дастлабки ва кейинги таҳририни моддама-модда, бандма-банд қиёслаб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шунда ҳар бир қонун таҳрирларига хос хусусиятлар яққол намоён бўлади ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг янги таҳрири лойиҳасини тайёрлаш ҳамда ушбу тадқиқот ҳулосаларининг асосли бўлиши учун имконият яратади. Бошқача йўл тутишимиз, яъни мазкур қонунларнинг мазмуни, ўхшаш ва фарқли томонларини қиёслаб ўрганишимиз ҳам мумкин эди. Бироқ, биринчидан, бундай изланишлар проф. Н.А.Жумахўжанинг "Истиқлол ва она тилимиз" номли монографиясида олиб борилган бўлса, иккинчидан, индуктив таҳлил методи талабига кўра, бутуннинг моҳияти унинг таркибий қисмларини ўрганиш асосида очиб берилади. Бу диалектик мантиқнинг инкор этиб бўлмайдиган тамойилидир.

Қонуннинг дастлабки матни "Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида" деб номланган муқаддима билан бошланади. Унда тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулки эканлиги, ўзбек тилининг бутун Республика ҳудудида давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилганлиги, Қорақалпоғистон Республикаси ўз ҳудудида тилга оид барча масалаларни ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат тили мақоми Республикада яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг она тилидан фойдаланиш ҳуқуқларига монелик қилмаслиги, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат тилини, бошқа миллий ва чет тилларни ўрганишга

¹⁹Жумахўжа Н.А. Истиқлол ва она тилимиз. -Тошкент: Шарқ, 1998.,-Б. 4.

бўлган интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва ушбу қонуннинг норасмий муомалада, ҳарбий қисм ва диний маросимларда қўлланадиган тилларга нисбатан татбиқ этилмаслиги таъкидланган.

Агар ушбу муқаддима қонуннинг янги таҳририга ҳам тегишли ҳисобланса, у ҳолда матнни қайта таҳрир қилиш ва унинг сўнгги бандига аниқлик киритиш лозим бўларди. Чунки бу даврга келиб, ҳарбий қисмларда ҳам давлат тилига ўтиш зарурияти туғилган эди.

Қонуннинг дастлабки матни (бундан буён матнда - Қонун-1989 деб аталади) ўттиз модда, олтмиш уч банддан, кейинги матни (бундан буён матнда - Қонун-1995 деб аталади) йигирма тўрт модда, ўттиз тўрт банддан иборат қилиб белгиланган.

Қонун-1989нинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили эканлиги, давлат бу тилни бутун чоралар билан ривожлантириши, унинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилишини таъминлаши, рус тилини миллатлараро муомала тили сифатида ривожлантириш ва ундан эркин фойдаланишнинг таъкидланиши, миллий ва рус, рус ва миллий тилларда мулоқот қилиш учун қулай шароит яратиши, барча миллат ва элатлар тилларининг эркин амал қилишини таъминлаши, уларнинг раванқ топиши, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш учун эркин шароит яратилиши белгиланган. Ушбу қонуннинг янги таҳририда биринчи модда бир жумлада ифодаланган: "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир". Унинг иккинчи моддасида давлат тили мақоми бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмаслиги қайд этилган бўлса, Қонун-1989нинг иккинчи моддасида ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулки, давлат тилининг раванқи, қўлланиши ва муҳофазасини ҳар томонлама таъминлашга оид барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий доирасига кириши айtilган.

Қонун-1989нинг 3-моддасида ҳар бир шахснинг иш юзасидан таклиф,

ариза, шикоят билан давлат тили ва бошқа тилларда ҳам мурожаат этиш ва жавоб олиш ҳуқуқи таъминланиши кўрсатилган. Қонун-1995нинг 3-моддасида эса ўзбек тилининг давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари ушбу Қонун ва бошқа қонунлар, Қорақалпоғистон Республикасида эса тилларнинг амал қилиши ушбу Республика қонунлари билан белгиланиши, фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақида гапирилади.

Қонун-1989нинг 4-моддаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари давлат тилини ўз хизмат вазифаларини бажариш учун етарли даражада билишлари шартлиги, давлат тилини билмайдиган фуқароларга уни бепул ўқитишни таъминлаш белгиланган, Қонун-1995нинг 4-моддаси деярли бир хил.

Қонун-1989нинг 5-моддасида съезд, пленум, курултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашларнинг давлат тилида олиб борилиши, меҳнат жамоаларида мажлислар давлат тилида ёки мажлис аҳли танлаган тилда ўтказилиши, йиғилиш қатнашчилари истаган тилда сўзга чиқишлари мумкинлиги, уларнинг нутқлари йиғилишнинг иш тилига таржима қилиниши, бу ҳолатнинг халқаро симпозиум, конференция, кенгаш ва мажлисларга ҳам тааллуқли эканлиги кўрсатилган.

Қонун-1995нинг 5-моддасида давлат тилида, миллий гуруҳлар зич бўлиб яшайдиган жойларда эса уларнинг тилларида мактабгача тарбия муассасаларини ташкил этишнинг таъминланиши айтилган.

Қонун-1989нинг 6-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлари давлат тилида тайёрланади, қабул қилинади ва эълон этилади, расмий нашрларда уларнинг таржималари берилади, дейилган. Бу маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатларига ҳам тегишлидир.

Таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқининг берилиши Қонун-1995нинг 6-моддасида ўз ифодасини топган.

Қонун-1989нинг 7-моддаси. Унда иш юритиш давлат тилида, бироқ меҳнат аҳлининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жойларда бошқа тилларда ҳам олиб борилиши кўрсатилган. Қонун-1995 нинг 7-моддасида эса давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилиши, бу тилнинг бойитилиши ва такомиллаштирилишини, шу жумладан, унга ҳамма эътироф этган илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий атамаларнинг жорий этилишини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Қонун-1989нинг 8-моддасида ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида ҳамда миллатлараро мулоқот тили бўлмиш рус тилида тайёрланади, дейилган, Мазкур модданинг мазмуни Қонун-1995нинг 10-моддаси мазмуни билан деярли муштарак. Агар Қонун-1995да бундай ҳужжатлар фақат рус тилларида эмас, балки бошқа тилларда ҳам тайёрланади ва эълон қилинади, дейилгани инобатга олинмаса. Қиёсланг: Қонун-1995 8-моддаси: Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади, уларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилинади. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади, майян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда бошқа тилларда ҳам қабул қилинади ва эълон этилади.

Қонун-1989нинг 9-моддаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умумиттифоқ ташкилотлари билан муносабатларда миллатлараро муомала тили (рус тили), иттифоқдош ва хорижий алоқаларда эса тарафлар учун мақбул тил қўлланиши қайд этилган. Қонун-1995нинг 9-моддаси эса 2-банддан иборат бўлиб, унинг биринчи бандида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилиши ва заруратга қараб, бошқа тилларга ҳам таржима қилиниши, халқаро анжуманларнинг давлат тилида еки уларнинг иштирокчилари танлаган тилда олиб борилиши қайд этилган.

Қонун-1989, 10-модда. Бу модда судлов, суд ишлари, хўжалик низоларида қўлланиладиган тилга бағишланган. Унга кўра, судлов ўзбек, қорақалпоқ ёки зич бўлиб яшайдиган аҳоли тилларида олиб борилади. Шунингдек, ушбу бандда давлат ҳакамлиги маҳкамаларида, қорхона, ташкилот, муассаса ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқишда давлат тилидан, зарурат бўлганда эса миллатлараро муомала тили (рус тили)дан ҳам фойдаланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Қонун-1995нинг 10-моддасида қорхона, муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жойларда давлат тили билан бир қаторда, бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин, дейилган.

Қонун-1989нинг 11-моддасида нотариал ишлар республика давлат тилида, муқожаат этувчи шахс талабига кўра, ҳужжат матни нотариус томонидан рус тилига ёки унга мақбул бўлган тилга таржима қилиб берилиши қайд этилган. Қонун-1995нинг мазкур моддаси судлов ишларининг давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилишига бағишланган. Қорхона, ташкилот, муассасалар ўртасидаги хўжалик низолари тили ҳам шу бандда ўз ифодасини топган. Унга кўра, бу жараенда давлат тили ва тарафларнинг розилиги билан бошқа тилдан фойдаланилади.

Бизнингча, давлат тили ҳақидаги қонуннинг тўлиқ ва изчил бажарилаётган банди Қонун-1989нинг 12, Қонун-1995нинг 13-моддасидир. Шунинг учун уларни айнан келтирамиз:

"Ўзбекистон ССРда гражданлик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳамда турли шаходатномалар республика давлат тилида ёзилади, миллатлараро муомала тшгада таржимаси такрорданади" [Қонун-1989, 12-модда]. Қиёсланг: "Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шахснинг ким эканлигини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар давлат тилида

расмийлаштирилади, заруратга қараб бошқа тилда таржимаси такрорланиши мумкин" [Қонун-1995, 13-модда].

Қонун-1995нинг 12-моддаси Қонун-1989нинг 11 -моддасига мазмунан яқин, бир-бирини инкор қилмайди.

Қонун-1989нинг 13-моддаси ўқиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилганлигига багишланган. Бу модда Қонун-1995да ўз ифодасини топмаган.

Қонун-1989нинг 14-моддасида касб-ҳунар, ўрта-махсус ва олий ўқув юртларида, улар қайси маҳкамага қарашли бўлишидан қатъи назар, давлат тилида, рус тилида, шароит бўлса бошқа тилларда ҳам мутахассислар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таъминланиши қайд этилган. Бу модда ҳам Қонун-1995да ўз ифодасини топмаган. Қонун-1995нинг 14-моддасида эса ариза, таклиф, шикоятларни давлат тилида ва бошқа тилларда езиш ҳуқуқи таъминланиши кўрсатилган.

Қонун-1989нинг 15-моддасида дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий ўрта, касб-ҳунар билим юртлари ҳамда ўрта-махсус ва олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлим ва гуруҳларида ўзбек тилини ўқув режасининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлаш, бу фандан битирув имтиҳони топширилиши назарда тутилган. Рус тилида ўтилмайдиган шундай мактаб ва ўқув юртларида рус тилига ҳам шундай мақом берилган, яъни у асосий фанлардан бири деб қайд этилган ва ундан битирув имтиҳони топшириш кўзда тутилган. Бу модда ҳам Қонун-1995да ўз ифодасини топмаган. Қонун-1995нинг 15-моддасида эса фуқароларнинг ўз исми, отасининг исми ва фамилияларини миллий тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эга эканликлари қайд этилган.

Қонун-1989нинг 16-моддасида араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувини таълим ўзбек тилида олиб бориладиган барча ўқув муассасаларида ўқув режаси фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади, бу ёзувни ўрганишни истайдиганларга ҳар томонлама имконият яратилади, бунинг

учун тегишли илмий-педагог кадрлар, дарслик ва қўлланмалар тайёрланади, унда адабий-тарихий ёдгорликлар, китоблар, газета ва журналлар нашр этилиши таъминланади, дейилган. Қонун-1995да мазкур модда келтирилмаган.

Қонун-1989нинг кейинги, 17-моддасига кўра, дарслик, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётларнинг давлат тилида ва миллатлараро муомала тилида нашр этирилиши қайд этилган. Унда, шунингдек, тегишли республикалар билан келишилган ҳолда рус, қорақалпоқ, тожик, қozoқ, қирғиз, туркман ва бошқа тилларда ўқитиладиган мактабларнинг дарсликлар, ўқув-методик, бадиий ва илмий-техник адабиётлар, қардош республикаларда яшаётган ўзбекларни эса ўзбек тилидаги ўқув-методик, бадиий ва илмий-техник адабиётлар билан таъминланиши, чет элларда ўзбек тилини асраш ва ривожлантиришга ёрдам берилиши қайд этилган, Бу модда ҳам, Ўзбекистон Республикасининг геополитик манфаатларини ўзида мужассам этган ушбу модда, Қонун-1995да тушириб қолдирилган. Ҳолбуки, унинг 2-банди кейинги сатрлари ўзбек тилини хорижда ўқитиш ва ривожлантириш каби ўта долзарб вазифаларга қаратилган бўлган.

Қонун-1989 нинг 18-моддасида давлат илм-фаннинг барча соҳаларини давлат тилида ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб беради, илмий ишни ўзбек тилида тақдим этиш, ҳимоя қилиш ва нашр этиш ҳуқуқи таъминланади, дейилгани баробарида, Республикада илмий асарлар рус, қорақалпоқ, тожик, қozoқ ва бошқа тилларда ёзилиши, нашр этилиши ва ҳимояга қўйилиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган. Янги таҳрирда мазкур модда тушириб қолдирилган.

Қонун-1989 нинг 19-моддаси ҳам илм-фан тилини такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамалар яратиш ва ривожлантириш масаласига қаратилган. Мазкур модданинг иккинчи бандида ўтмишнинг ижтимоий, иқтисодий, тарихий, адабий-бадиий, маданий ва илмий меросини кенг тарғиб қилиш ва чуқур ўрганиш учун мумтоз

Ўзбек тилининг асл нусхада нашр этилиши, рус ва бошқа тилларга ҳам таржима қилиниши кўрсатилган. Бу модда ҳам Қонун-1995 да ўз ифодасини топмаган.

Қонун-1989нинг 20-моддасида оммавий-ахборот воситалари тилининг, асосан, давлат тилида бўлиши кўрсатилган. Унинг мазмуни Қонун-1995нинг 16-моддасида жуда аниқ, ихчам ва лўнда баён қилинган. Қиёсланг: "Телевидение ва радиоэшиттиришлари давлат тилида, шунингдек бошқа тилларда ҳам олиб борилади".

Қонун-1989нинг 21-моддасига кўра, сценарий, фильм, томошабоп асарлар давлат тилида ва рус тилида яратилади, четдан келтирилган шундай асарлар эса ўзбек ва рус тилларига таржима қилинади. Мазкур модда мазмуни ҳам Қонун-1995да ўз ифодасини топмаган.

Қонун-1989нинг 22-30-моддаларида расмий муҳр, тамға, иш қоғозлари матнларининг давлат тилида ёзилиши ва рус тилида такрорланиши; миллий марказлар муҳри, тамға ва иш қоғозлари, улар танлаган тилдан ташқари, давлат тилида ҳам бўлиши; эълон, лавҳа, нархнома, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот ёрлиқлари, белги ва йўриқномаларининг давлат тилида ёзилиши ва бошқа тилларда такрорланиши; четдан келтириладиган маҳсулотлар ва улар билан боғлиқ ҳолатларнинг ўзбек ва рус тилларида ёзилиши (22-модда); почта, телеграф хабарларининг давлат тили ёки рус тилида расмийлаштирилиши (23-модда); жой номларининг ягона миллий шаклда берилиши ва давлат тилида ёзилиши, тарихий исм ва жой номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланиши ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши (24-модда); исм, отасининг исми ва фамилияларни тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёзиш, улар бошқа тилларда берилганда, асл ҳолатини сақлаб қолиш, бунда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига амал қилиш (25-модда); Ўзбекистонда яшовчи миллат ва элатлар ўз миллий ва маданий марказларини тузиш ҳуқуқига эга эканлиги (26-модда); Ўзбекистонда давлат тилига ва бошқа тилларга менсимай ёки

хусумат билан қарашнинг тақиқланиши, мансабдор шахсларнинг давлат тили ёки рус тилини билмасликни рўқач қилиб, таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқишдан бош тортиши ман этилганлиги, акс ҳолда, уларга нисбатан амалдаги қонунчилик асосида жазо қўлланиши (27-модда); давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхона, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг ўз тасарруфида бўлган жойларда ушбу қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгар эканликлари (28-модда); давлат тили расмий амал қиладиган соҳаларда ўзбек адабий тилининг мавжуд илмий қонун-қоидаларига тўла риоя этилиши (29-модда); мазкур қонуннинг турмушга татбиқ этилишини назорат қилиш Олий Совет ва унинг Доимий тил комиссияси зиммасига юкланганлиги (30-модда) қайд этилган.

Қонун-1995нинг 17-24-моддаларида давлат тили ижроси билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар келтирилган: 17-моддада ноширлик фаолияти давлат тилида, эҳтиёжга кўра, бошқа тилларда ҳам амалга оширилади; 18-моддада почта-телеграф жўнатмалари давлат тилида ёки фуқаролар хоҳишига биноан, бошқа тилда берилади; 19-моддада муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамғалари, иш қоғозлари матни давлат тилида, халқаро ташкилот, муассаса, кўшма корхона, миллий-маданий марказлар муҳрлари, тамғалари, иш қоғозлари матнлари таржимаси давлат тилида такрорланади; 20-моддада лавҳа, эълон, нархнома ва бошқа кўргазмали еки огзаки ахборот матнлари давлат тилида эълон қилинади ва бошқа тилларга таржимаси берилиши мумкин; 21-моддада корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот давлат ва бошқа тиллардаги ёрлиқлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминланади; 22-моддада жой номлари давлат тилида акс эттирилади; 23-моддада халқаро шартнома матнлари, агар шартноманинг ўзида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат тилида ва ахдлашувчи томон (томонлар)нинг тилида ёзилади ва ниҳоят, 24-моддада давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади, муомала, таълим ва тарбия тилини танлашга тўсқинлик қилувчи шахслар қонунчилик

асосида жавобгарликка тортиладилар, дейилган.

2.2. Ўзбекистон Республикасида давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги тил қурилиши ва ҳуқуқий мақоми масалалари, табиийки, Ўзбекистон Республикасининг миллий давлатчилиги характери билан белгиланади. Шунинг учун муаммонинг бу икки турини, юқорида асослашга ҳаракат қилинганидек, фақат ўзаро боғлиқликда ўрганиш мумкин. Бироқ бунга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Булар, бир томондан, ўзбек тили рус тили қонун-қоидалари асосида яратилган дарсликлар асосида тадқиқ этилиб келинаётган, натижада унинг туб моҳияти, ўзига хос хусусияти очилмай қолаётган, уни давлат тили ва иккинчи (хорижий) тил сифатида ўрганиш ва ўргатиш катта қийинчиликлар билан бораётган бўлса, иккинчи томондан, айрим фуқаролар ўзбек тили ва маданияти билан ошна бўлишни истамасликларини ошқора ёки яширин ҳолатда изҳор этишиб, нафақат этник ва этик, шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларни ҳам бузиб келаётганликларидир. Оқибатда ягона социум доирасида этник тамойилларга кўра эмас, балки тегишли тилларни билиш ёки билмасликларига кўра бир-биридан анча ажралиб турадиган тил жамоалари кўзга ташлана бошлади. Албатта, улар миллатлараро мулоқот (рус) тилини билишади. Лекин бу давлат доирасида самарали алоқа-аралашув талаблари учун етарли эмас. Бундай ҳолат яхлит ва айни пайтда, кўп тилли давлат доирасида ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин. Анъанавий тарзда этник характерда деб ҳисоблаб келинган кескинликларнинг ҳаммаси ҳам аслида шундай эмас. Уларнинг кўпи тил билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, чегара чизиғини миллатлар орасида эмас, балки тил биладиганлар орасида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси шароитида тил жамоаларини,

бизнингча, куйидаги турларга бўлиш мумкин:

- фақат ўзбек тилини биладиганлар;
- рус ва ерли аҳоли тилини биладиганлар;
- фақат ерли аҳоли тилини биладиганлар;
- рус ва бир неча ерли аҳоли тилларини биладиганлар;
- бир неча ерли аҳоли тилини биладиган, аммо рус тилини билмайдиганлар.

Бугунги воқеликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий нуқтаи назардан чегара чизиғи фақат ўзбек тилини биладиганлар билан тил жамоаларининг қолган барча турлари орасидан ўтади. Бу муайян миллий тилга давлат тили мақоми берилгани кўп миллатли ҳар қандай давлатда ҳам кузатилади. Шунинг учун этнолингвист олимлар этник ва тил жиҳатидан камсонли жамоалар эътиборини бошқа тилларни зарурият ҳажмида билиш лозимлигига қаратмоқдалар. Бунда ўзбек этноси ва ўзбек тили ўзига хос воситачи вазифасини бажаради. Бу ўзбекларнинг нафақат кўп сонлилиги ва кенг тарқалганлиги, шунингдек, уларнинг турли фаолият соҳалари вакиллари бирлаштирувчи салоҳияти билан ҳам белгиланади.

Тил сиёсатининг муҳим қирраларидан бири ўзбек тилининг бошқа маҳаллий халқлар тиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшамайдиган ўзбеклар тили орасидаги муносабатлар билан боғлиқ масалалардир.

Ҳозирги глобаллашув жараёнидан Ўзбекистон ҳам четда турган эмас. Объектив сабабларга ва, энг аввало, бозор муносабатларининг кенг кўламда таркиб топаётгани, замонавий техник маҳсулотларга эҳтиёжнинг ортиб бораётгани боис тилимизга америкалашган тижорат лексикони шиддат билан кириб келмоқда. Бу жараен, айниқса, савдо ва реклама корчалонлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Натижада, "бизнес" ва "компьютер"дан тортиб, то "бакс", "имиж", "топ шоу"гача бўлган сўзлар тилимизга аралашиб кетди. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир соҳанинг ўз "американизми"

шаклланди. "Менеджер", "брокер", "диллер", "конвертация", "лизинг", "холдинг компаниялар" кабилар ўзбек бизнес оламига; "лекток", "флокк", "компьютер", "лазер принтери", "софтвер", "жойстик", "сайт", "файл", "электрон почта", "электроника" ва б. Сиёсат борасида ҳам "депутат", "оппозиция", "конфронтация", "президент", "рейтинг", "электорат" каби хорижий сўзлар таркиб топаётган бўлса; рекламада тил экспансияси бошқариб бўлмайдиган даражага келиб қолди. Бу каби ҳолатлар тилшуносликда ҳам, сиёсатшуносликда ҳам, ҳуқуқшуносликда ҳам ҳануз баҳоланмаган.

1998 йил 25 декабрида қабул қилинган, 2002 йил 30 августда тузатишлар киритилган Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни 5-моддаси реклама тилига багишланган. Унда, жумладан, шундай дейилган: Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикаси давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади. Белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), босма усулда терилган бўғинли белгилар (логотиплар) асли қайси тилда бўлса, шу тилда келтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунда эса рекламанинг, ҳатто, қайси тилда берилиши лозимлиги ҳам кўрсатилмаган. Унга кўра, рекламани давлат тилида ҳам, бошқа исталган тилда ҳам бериш мумкин. Шунинг учун бўлса керак, шаҳарларимиз кўчалари, баланд бинолар деворлари, метро ва автобус бекатлари, ҳатто, уларнинг ичлари ҳам хорижий, жуда катта қисми аксарият фуқароларимизга тушунарли бўлмаган тилларда, кўпинча, услубий-имловий хатолар билан берилмокда. Реклама кишилар онгига кучли таъсир кўрсатади. Урни билан, қисқа ва лўнда, беҳато ва изчил намойиш этилган реклама кишини кувонтиради, унинг ҳам руҳиятига, ҳам тижоратига фойда келтиради.

Ҳозирги реклама жараёнининг салбий томонларидан бири - сўзнинг кундан кунга қадрсизланиб бораётгани, кишининг гашини келтирадиган

нутқий қолипларнинг кўпайиб кетаётганидир. Сўзнинг луғавий маъносига шартли равишдагина мос бўлган бундай қолиплар, табиийки, мантиқли ахборот ва маълумот бериши қийин.

Кўплаб сиёсатчилар, фан, маданият, таълим вакиллари тилнинг узок йиллар давомида етилиб келган муаммоларини алоҳида йўл-йўриқ ва кўрсатмалар ёрдамида ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Она тилининг ҳолатидан ташвишланиш табиий, аммо унинг нуфузини кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар кўпол, маъмурий характерда бўлмаслиги керак. Чунки ҳеч кимни бирор тилга зўрлаб, хатто, қонун йўли билан бўлса-да, ўргатиш унда салбий туйғудан бошқа нарса уйғотмайди. Она тилида қилинган мулоқотдан лаззатланмаган кишига унинг қулай ва афзалликлари ҳақидаги шиорлар бемаъни туюлади. Шунинг учун муайян давлат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча тиллар мавқеини конструктив маданий ва таълимий дастурлар ёрдамида биргаликда, манфаатдор томонларнинг оммавий иштирокида кўтариш керак. Тилнинг аҳамияти қонунчилик асосида эмас, балки жамиятнинг маданий эҳтиёжларини қондира олиши билан белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ўзбек тилининг давлат тили мақоми, унга қандайдир имтиёзлар берилганлигини эмас, балки уни чуқур ўрганиш, бугунги турфа ва мураккаб дунёда аҳамияти ҳамда салоҳиятини тўғри ва теран тушунишни ҳам англатади.

Миллий тил ва миллий маданият ривожига ҳақида гап кетганда, жаҳон маданияти, тараққиётнинг умуминсоний даражасини ҳам унутмаслик керак. Бу тушунчаларнинг моҳиятини англамасдан ва уларни ўзида чуқур сингдирмасдан миллий-маънавий категория ва кадриятлар кўрсаткичини белгилашнинг имкони йўқ.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги унга юртимизда истиқомат қилаётган барча халқларни минг йилликлар давомида тўпланган буюк ва бетимсол кадриятларимизнинг жуда мураккаб ва ноёб оламига олиб киришдек улкан вазифа юклатилганлигини ҳам англатади.

Ўзбекистон Республикаси ўз худудидан ташқарида яшаётган ўзбеклар тилига ҳам, хорижда ўзбек тилининг иккинчи тил сифатида ўқитилиш ҳолатига ҳам бефарк эмас. Чунки халқаро ва маданий алоқаларни кенгайтиришда уларнинг роли жуда катта. Ўзбек тилининг бу ролини, айниқса, таълим соҳасида кучайтириш тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни тақозо этади. Бунинг устига, Марказий Осиё республикаларининг ўзбеклар яшайдиган минтақаларида ўзбек тилини ўрганиш ва ўргатиш таълим масаласи нуқтаи назаридан жиддий муаммо тусини олмоқда. Дунёнинг кўплаб давлатлари ўз тилларини бошқа мамлакатларда ҳам ўқитилишини йўлга қўйишга ҳаракат қилади. Чунки давлатнинг нуфузи унинг тилида гаплашадиган кишилар сони билан ҳам белгиланади.

Шу муносабат билан қуйидаги маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқ. Француз тилини чет элларда ўргатиш кенгашини шахсан Франция президенти бошқаради. Бу мамлакатнинг 115 давлатда 1200 та марказк фаолият кўрсатади. Британия кенгаши ишига шахсан Англия кироличаси ҳомийлик қилади. Германиядаги Гёте институти ҳар йили 143 нафар немис тили ва адабиети бўйича мутахассисни 143 мамлакатга жўнатади. Бу каби ҳаракатлар туфайли дунёда 25 млн. киши француз тилини, 80 млн. киши инглиз тилини, 20 млн. киши немис тилини ўрганар экан.

Ўзбекистон Республикасида давлат тили ҳақидаги қонун ишляпти. Бирок давр талаб қилаётган даража бу суръатдан анча баланд. Мазкур ишда бунинг айрим сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилинди. Навбатдаги долзарб вазифаларимиздан бири давлат тили ҳақидаги мавжуд қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдир. Биз қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.

Амалга оширилаётган изчил ислохотлар, бетимсол бунёдкорлик ишлари қизгин паллага кирган бизнинг кунларимизда демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида жонбозлик

кўрсатишни ўзининг виждоний ва фуқаролик бурчи деб билган ҳар бир кишидан ва, энг аввало, зиелилардан Бош комусимиздаги тилга доир қоида ва талаблар ижросига ҳам бефарқ бўлмаслик талаб этилади.

Дарҳақиқат, бундан қарийб 21 йил олдин моҳиятини ўлчаш учун юксак ақл-фаросат керак бўладиган, том маънода тарихий хужжат Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши билан ўзини оқламаган эски тузумдан бутунлай воз кечиб, янги жамият қуришда тамал тоши вазифасини ўтаган экан, унга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиромда бўлмоғимиз, ўзбек тилининг (албатта, бошқа тилларнинг ҳам) софлиги ҳақида қайғурмоғимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, давлат тили Қонунининг тўла-тўқис ижросини таъминлаш ўзига хос синов, жиддий имтиҳон, фуқаролик жамиятининг савияси ва етуклик даражаси мезонидир.

Қиёсланг: тренинг-машғулот, электорат-сайловчилар, инновация-қўллашга янгилик ва бошқ. Юқоридаги каби атамаларнинг тилимизга шиддат билан кириб келаётгани, тил лексик тизимида муқобиллари бўла туриб, хорижий сўзлар қўллашга мойиллик ниманинг белгиси?

Ўзбекистон Республикасида давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифаларимиз, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

- мазкур қонуннинг ўзини ҳам, унинг ижроси талаби билан амалга оширилган ишларни ҳам танқидий-ижодий ўрганиш;
- ушбу қонуннинг тўлиқ амал қилиши йўлида учраб тураётган ғов ва тўсиқларни халқаро тажриба ва тамойилларни инобатга олган ҳолда бартараф этиш. Масалан, айрим МДХ мамлакатларида амал қиладигани каби давлат тилида бўлган сўз ва терминлар ўрнига ажнабий сўз ва терминларни қўллаганлик учун маъмурий жавобгарлик масаласини ўйлаб кўриш;
- қонун ижроси, авваламбор, очиқлик, эркинлик, ҳаққонийлик, виждон ва юртга садоқат намунаси экан, у ҳам шунга мос тарзда амалга ошмоғи лозим. Зеро, бугунги Ўзбекистон ва бугунги жамият, Муҳтарам Юртбошимиз

таъкидлаганидек, кечаги давлат ҳам, жамият ҳам эмас. Улар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу фарқни кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас²⁰.

- давлат ҳудудида амал қиладиган расмий ҳужжатлар давлат тилида ёзилгандагина миллийлик касб этади. Шунга кўра, уларни дастлаб ўзга тилда ёзиш, кейин давлат тилига таржима қилиш амалиётидан қутилиш маънавий мустақилликни таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир. Бунинг учун жойларда давлат тилини чуқур биладиган кадрлар тайерлаш масаласини ҳал қилиш, уларнинг бу тилни билишлари Истиклол талабларига нақадар мос эканлигини аниқлаб туриш мақсадида жамиятнинг барча бўғинларида, айниқса, давлат аппарати, вазирлик, ҳокимлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда давлат тилини билиш бўйича даврий синовлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ.

Мазкур қонуннинг тўлиқ ижросини таъминлашда замон талабларига жавоб бера оладиган дастур ва режалар тузиш билан бир қаторда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини муттасил орттириб бориш устида ишлаш айни муддаодир. Зеро, қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш унинг ижросини таъминлаш деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг Бош Қомусимиз қабул қилинган кун муносабати билан сўзлаган нутқида, энг аввало, мавжуд ҳуқуқий базани танқидий асосда ўрганиш, унга замон талаб қилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш катта аҳамиятга молик эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар²¹.

Муҳтарам Юртбошимизнинг бу сўзлари бевосита давлат тили ҳақидаги қонунчилигимизга ҳам тегишли. Шунинг учун биз ушбу ўринда мазкур

²⁰Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Turkiston. 2009. 16-dekabr. -В.3

²¹Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Turkiston. 2009. 16-dekabr. -В.3

қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ва мулоҳазаларни баён қиламиз.

Бу таклиф ва мулоҳазаларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга тил билан боғлиқ қонунлар тамойиллари, яъни соҳага доир қонунчиликнинг энг муҳим ғоялари, назарий база яратишга алоқадор таклифлар киради. Улар, бизнингча, қуйидагилардир:

1. Эркинлик ва шахсий масъулиятга асосланадиган ёнбосиш (муросасозлик) тамойили. Бу тамойилга кўра, тилларнинг ривожланиши, такомиллашуви ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар давлат ва унинг институтларидан жамият ва шахсларга ўтиши керак. Бошқача айтганда, тил муаммолари ечимининг асосий оғирлиги жойларга кўчади. Шунда давлатга ўтказиладиган босим ва қўйиладиган талаблар кескин камаяди, моддий ресурслар тежалади, миллий-тил айирмачилиги (сепаратизм) асоси барҳам топади. Чунки тиллардан фойдаланиш билан бу ҳолатларга алоқадор салбий оқибатлар учун ҳам уларнинг ўзлари жавоб беришади. Давлат эса бундай танлов ва фаолият учун талаб қилинадиган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқади.

2. Амалийлик тамойили. Тил ҳақидаги қонунчиликда қуруқ тамойил ва чақириқлардан кўра, прагматизм ва воқеликка кўпроқ ўрин ажратилмоғи лозим²². У бугунги дунёни қандай бўлса, шундай, бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан акс эттириши, истакка эмас, балки имкониятга асосланган бўлиши зарур. Қонун табарруқ саналган, аммо ҳозирги воқеликка зид бўлган ҳолатлар олдида эсанкирамаслиги керак.

3. Тилнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили. Мазкур тамойил шахс манфаатларини жамоавий, хусусан, этник ва тил манфаатларидан устун қўяди. Чунки шахсий эҳтиёж ва ҳуқуқлар табиийроқ, шунга кўра, жамоавий ҳуқуқ ва манфаатлардан устунроқ туради. Ҳар бир шахснинг бошқа

²²Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Turkiston. 2009. 16-dekabr. -В.3

шахслардан фарқи ва ажралиб туриши табиий бўлса, унинг бошқаларга ўхшашлиги шартли ва субъективдир. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунида расмий характерда кечадиган мулоқотлар тегишли миллий тилларга таржима қилинади, дейилган. Бироқ тилнинг тенг ҳуқуқлилиги бир тилда сўзлашувчи киши уни тушуниши лозим бўлган бошқа кишилар томонидан тушунилган ҳолатдагина, индивидуал ҳуқуқлар бошқа кишининг индивидуал мажбуриятлари билан бирлашиб кетгандагина юзага келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Кейинги ҳолат жуда муҳим, чунки у шахснинг индивидуал ва жамоавий ҳуқуқларини биргаликда ҳаракатга келтиради, уларнинг мутаносиблигини таъминлайди, шахсни жамоанинг таркибий қисмига айлантиради.

Шахс ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳар қандай, жумладан, тил жамоаси ҳуқуқ ва манфаатларидан устуворлиги тамойили, умуман, демократик жамият, хусусан, шундай жамият қуриш йўлидан собит қадамлар билан кетаётган бизнинг давлатимиз ҳам таянадиган асосий тамойиллардан биридир. "Оммавий соҳа хусусий соҳага нисбатан доимо субсидиар (қўшимча, Р.М.) моҳиятга эга"²³, чунки шахс жамоа учун эмас, балки жамоа шахс учун, унинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини амалга ошириш учун мавжуд бўлади. Миллатларнинг тил билан боғлиқ ҳуқуқларини ўзида акс эттирган ҳозирги қонунчилик бу ҳуқуқ ва мажбуриятларни шахс томонга йўналтириш лозимлигини эътиборга олавермайди. Натижада фуқароларнинг ва индивидларнинг тилдан фойдаланиш ҳуқуқлари, кўпинча, бир-биридан ажралиб қолади.

4. Тил ҳақидаги қонунчиликнинг яхлитлиги тамойили. Собик иттифоқ салтанатининг қулаши арафасида Ўзбекистонда тил масалаларига, миллий тилларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига, давлат тили институтини таъсис этиш масаласига катта эътибор қаратилди. Оммавий

²³Қаранг: Энциклопедический словарь —М.: 1997, -С. 233; Ўзбекистон юридик энциклопедияси. —Тошкент: Адолат. -Б. 410.

ахборот воситаларида баҳс-мунозаралар қизғин тус олди ва, ниҳоят, ўша машъум салтанатнинг емирилишидан анча олдин, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуслари билан 1989 йилнинг 21 октябрида "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ва унга шарҳлар ёзилди. Уларда тил сиёсатининг асосий масалалари ўз ифодасини топди, миллий тиллар масалалари билан боғлиқ муаммолар тартибга солинди.

5. Тилларнинг софлиги тамойили. Бу тамойил тилларни асраб-авайлашни, уларни оммалашмаган шевага хос сўзлардан, сийқаси чиққан нутқий штамплардан, қандайдир ғаразли ва бошқа мақсадларда ёхуд мазкур тилнинг луғавий ва терминологик бойликларидан беҳабарлик туфайли шиддат билан кириб келаётган хорижий штамп, ибора ва атамалар (албатта, муқобили бўлган ҳолда) хуружидан химоя қилишни, адабий тил қонун-қоидаларини кенг тарғиб этишни назарда тутди.

Мазкур тамойил бевосита таълим-тарбиянинг сифати, ўқув дастур ва дарсликларнинг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига мос келиши билан боғлиқ.

6. Воқеликка асосланганлик тамойили. Давлат тили ҳақидаги қонунда қуруқ гап, мужмал фикр ва сафсатага ўрин бўлмаслиги, ҳаётимизда кузатилаётган воқелик ва амалийлик ўзининг аниқ ифодасини топиши, у хаёлга эмас, балки имкониятга асосланган бўлиши керак.

Давлат тили мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ таклифларимизнинг иккинчи гуруҳида Ўзбекистон Республикасида тил қонунчилигига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича бериладиган таклифлар назарда тутилади. Давлат тили ҳақидаги қонун ва меъёрий актлар ижобий бошқариладиган, бурч, мажбурият, ижозат, тушунтириш ва тавсиялар асосида қурилган бўлиши, бунда чеклаш ва тақиқларга, улар туфайли бериладиган санкцияларга жуда кам ўрин ажратилиши керак. Санкциянинг ўзи эса, кўпинча, репрессив элементдан холи, айти пайтда, тил муносабатларини халқ ва давлат

манфаатларига мос томонга йўналтирувчи юридик кучга эга бўлмоғи лозим. Шунинг учун бу ерда ретроспектив жавобгарликни, масалан, жаримани камроқ қўллаш ва асосий эътиборни позитив жавобгарликка қаратиш мақсадга мувофиқдир. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари жазонинг ана шу тури асосида жавобгарликка тортилишлари керак. Бу талабни амалга оширишда пухта ўйланган ёндашув, алоҳида сиёсий ва юридик маҳорат талаб қилинади. Акс ҳолда, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини қонун йўли билан тавсифлаш ғоясига путур етади. Чунки, масалан, шевага хос ёки хорижий сўзларнинг нотўғри ишлатилгани учун санкция қўллагандан кўра, тилдан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган қийин ҳолатлардан қандай чиқиб кетиш мумкинлигини тушунтириш афзалдир.

Ижтимоий муносабатларни зўрлаш ва айниқса, тақиқ ҳамда санкциялар қўллаш йўли билан тартибга солиш, бизнингча, қонунчилик, иш юритиш, расмий тадбирлар, ахборот узатиш воситалари фаолияти, реклама, товарлардаги маълумотномалар, соҳавий луғатлар, таълим ва тарбия, маъруза ва шу каби соҳаларга мўлжалланган ахборотлар билан чегараланмоғи лозим. Оммавий ахборот доирасидан ташқарида кечадиган тил муносабатларига таъсир этишни умумий меъёрий тамойиллар, тушунтириш ва изоҳлар билан чегаралаш мақсадга мувофиқ. Ҳар қандай мулк, товар, хизмат, ҳисоб рақами ва квитанция ёзиш, таклиф қилиш, қўллаш ёки фойдаланиш усули, кафолат шакли ва шарти тавсифида оғишмай давлат тилидан фойдаланиш мажбурий бўлиши керак (Гап уларни амалда қўлланиши устида кетмоқда). Бу ҳолатлар ҳар қандай ёзма, оғзаки, аудиовизуал рекламада ҳам ўз ифодасини топиши шарт. Кўча ёки аҳолининг кўзи тушиб турадиган бошқа жойларда, жамоат трансгтортида ахборот учун қилинган ҳар қандай ёзув ёки эълон давлат тилида расмийлаштирилишини талаб қилиш лозим.

Мазкур Қонуннинг кейинги таҳририда 6-модда учинчи банддаги "тили" сўзини тушириб қолдириш керак. Шунингдек, Қонун 17-моддасининг

реклама узатилаётганда телевизор овозини баланд қилишни тақиқлайдиган б-банд талаби ҳам бажарилмаётганини қайд этиш ўринлидир.

Эълон ва ёзувлар таржима қилиниши керак бўлган барча ҳолатларда давлат тилида битилган матн бошқа тиллардаги матнлар каби тез ўқиладиган, яхши эшитиладиган ёки тушуниладиган тарзда расмийлаштирилиши талаб этилади. Шунингдек, юридик шахс ва давлат вазифасини бажарувчи шахс томонидан тузиладиган шартномалар объекти ва шаклидан катъи назар, давлат тилида тузилади. Шартнома матнларида хорижий ибора ва атамалардан (агар давлат тилида уларнинг муқобиллари бўлса) фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган тадбир, анжуман (ёки конгресс) жисмоний ёки юридик шахс сифатидаги қатнашчиси ўз фикрини давлат тилида баён қилишга ҳақлидир. Тадбир, анжуман ёки конгресс иштирокчилари орасида тарқатиладиган дастурий ҳужжатлар давлат тилида тайёрланмаган ҳолатларда, уларнинг қисқача мазмуни (аннотацияси) давлат тилида илова қилиниши лозим. Бу ҳолатлар фақат чет элликларга тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо ва ташқи алоқаларини ривожлантиришга қаратилган тадбир, анжуман ёки конгрессларга нисбатан қўлланмайди. Агар давлат ҳуқуқига бўйсунадиган юридик шахс ёки хусусий ҳуқуққа бўйсунадиган ва давлат топшириғини бажараётган юридик шахс юқоридаги каби тадбирларни ўтказмоқчи бўлса, манфаатдор томонлар таржима билан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қиладиган ва давлат ҳуқуқига бўйсунадиган юридик шахс, давлат хизмати топшириғини бажарадиган жисмоний шахс ёки давлат ваколатидан фойдаланадиган шахс нашр, обзор ва ахборотлар давлат тилида тайёрланмаган барча ҳолатларда уларнинг қисқача мазмунини давлат тилида бериши шарт.

Ёзма шаклда баён қилинадиган меҳнат шартномаси давлат тилида тузилади. Иш ўрни ва шартнома объекти бўлган меҳнат тури ўзбек тилида муқобили бўлмаган хорижий атама билан ифодаланган барча ҳолатларда шу

атама давлат тилида изоҳланган бўлиши керак. Чет эллик ходимга нисбатан бундай шартнома икки тилда - давлат ва унинг она тилида - битилади. Иш ўрни ёки таклиф қилинадиган иш тури муқобили давлат тилида бўлмаган атама билан ифодаланган бўлса, томонларни қийин аҳволга солиб қўймаслик учун ўзбекча матнни батафсил тузиш ёки хорижий тилларга таржима қилиш лозим бўлади. Муайян тадбир ёки анжуман ўтказилаётганда, унинг қатнашчилари орасида тайёргарлик характеридаги ёки ишчи ҳужжатлар бўлса, ёхуд қарор ва ҳисобот эълон қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси давлат тилида тақдим этилмаган матн ёки маърузаларнинг қисқача баёни давлат тилида берилган бўлиши керак.

Давлат тили давлат ва хусусий ўқув муассасаларида таълим, имтиҳон ва танловлар тили бўлмоғи лозим. Худудий миллий ёки чет тилларни ўқитиш зарурияти ёхуд профессор-ўқитувчиларни хориждан таклиф этиш билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустаснодир. Шунингдек, бу талаблар Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган миллий мактабларга, чет эллик талабаларга мўлжаллаб очилган таълим муассасаларига ҳамда халқаро мақомда таълим берадиган ўқув юртларига нисбатан ҳам қўлланилмайди.

Давлат, хусусий телерадио органлари кўрсатув ва эшиттиришлари дастурларида давлат тилининг қўлланиши мажбурийдир. Албатта, аслиятда бериладиган киноматографик ва аудиовизуал асарлар, шунингдек, мақсадга кўра бутунлай чет тилида узатиш ёки бирор тилни ўрганиш учун тузилган дастурлар, миллий маросимлар трансляциялари ҳам бундан мустаснодир. Кўрсатув ёки эшиттириш чет тилида синхрон таржима воситасида олиб борилаётган бўлса, давлат тилидаги матн ҳам осон ўқиладиган, яхши эшитиладиган ва тушунарли бўлмоғи лозим. Фуқаролик ҳуқуқига бўйсунадиган юридик шахсларнинг тижорат маркаси ва хизмат турини ифодаладиган ўзбекча ибора ёки атама мавжуд бўлган ҳолатда, хорижий атамадан фойдаланиш ман этилади.

Ушбу ўринда киши исмлари ва жой номларининг ёзилиши давр

талабларига жавоб бера олмаслигини таъкидлаш ўринлидир. Бу борада қилиниши лозим бўлган бирламчи вазифа ўзбек тили имло қоидаларига тўлиқ амал қилиш ва бу ҳақдаги Фармоннинг ижросини таъминлашдир. Бунда ФХДЁ органлари ходимлари, айниқса, жонбозлик кўрсатишлари, юқоридаги Фармоннинг ижроси учун масъул эканликларини амалда исботлашлари талаб этилади.

Кейинги йилларда русча **-ич** суффикси **ўғли** сўзи билан алмаштирилгани ҳолда, масалан, Валиев Али Акбар-ўғли тарзида ҳам ёзилмоқда. **Ўғли** сўздан олдин чизиқча (-) белгисининг қўйилиши бошқа тилдан ўзлаштирилган ҳолат бўлиб, ўзбек тилининг қонун-қоидаларига мос эмас. Шу белгининг ишлатилишига доир мисоллар орасида бу фактнинг йўқлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бинобарин, масалан, юқорида келтирилган фамилияни миллийлаштириш лозим бўлса, уни шундай ёзишга тўғри келади: Валиев Али Акбар ўғли.

Ҳудди шунингдек, антропонимия масалалари бизда деярли ўрганилмаган. Бугунги кунда проф. Э.Бегматовнинг "Киши исмлари" номли китобидан бошқа эътиборли манба йўқ. Шунинг учун хорижий исм-фамилиялар, кўпинча, ғайримеъёрий тарзда, рус тилида қандай бўлса, шундайича, тилимиз имкониятларидан фойдаланилмаган ҳолда айтилади ва ёзилади. Бу эса нотўғри. Чунки антропонимларни бу тарзда бериш нафақат бир тилнинг асл моҳиятини бузиб кўрсатади, шунингдек, бошқа тилнинг ҳам киши исмларини ёзиш билан боғлиқ қонун-қоидаларини тубдан бузиб юборади.

Топонимика масалалари бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолгани ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунида топонимларга алоҳида бандларнинг ажратилганлиги ҳам фикримизни бемалол тасдиқлайди. Мазкур қонунда топонимларнинг давлат тилида ёзилиши лозимлиги қайд этилган бўлса-да, бу коида бузилаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда,

мазкур давлат тили ҳақидаги Қонуннинг кейинги таҳрири учун шу банднинг қуйидаги варианты адабиётларда таклиф этилади:

1. Ўзбекча киши исмлари, ота исмлари, фамилиялар ўзбек тилининг миллий анъана ва қонун-қоидалари асосида ёзилади ва қўлланади. Бошқа тиллардаги исмлар, ота исмлари ва фамилиялар ўзбек тилида хорижий атоқли отларни ўзлаштириш қоидалари асосида ёзилади ва қўлланади,

2. Ўзбекистон Республикасида жой номлари давлат тилида ясалади ва ёзилади. Йўл кўрсаткичларида бу номлар давлат тилида ёзилади, зарурият туғилганда ўнг томонда ёки уларнинг остида ерли аҳолининг аксарият қисмига тушунарли бўлган тилда ёзилади.

3. "Ўзбек тили", "Давлат тили", "иккинчи тил" бир нарсани ифодаловчи тушунчалар эмас. Уларни ўқитиш масаласи ҳам дифференциал ёндашувни талаб этади. Чунки ўзбек тили этник ўзбекларнинг тили. Ўзбек тилида фаолият кўрсатадиган умумий ўрта мактабда, лицей ва коллежларда у она тили, олий мактабда эса мутахассислик фани сифатида ўқитилади. Ўзбек тили умумий ўрта мактаб, лицей ва коллежларнинг рус гуруҳларида ўзбек тили, олий мактаб рус ва таълим бошқа тилда олиб бориладиган гуруҳларда давлат тили сифатида ўқитилади. Ўзбек тили иккинчи тил сифатида филология факультетларининг кўшимча мутахассислик берадиган бўлимлари (рус, тожик ва б.)да, хорижий юртларда ўзбек тили мутахассислик тили сифатида ҳам, иккинчи тил сифатида ҳам ўқитилиши мумкин. Бу фанларнинг мақсад ва вазифалари уларнинг ўқитилиш даражалари билан белгиланади. Бу ҳолат олий ўқув юртлари, педагогика коллежларида "давлат тили" ва "иккинчи тил" бўйича ўқитувчилари тайерлаш ишларини йўлга қўйишни тақозо этади.

4. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни 8-моддаси "... бошқа ҳужжатлари давлат тилида тайерланади, қабул қилинади ва эълон этилади" тарзида тузатилиши керак. Бу ҳуқуқий меъёр Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларида ва, энг аввало, "Ўзбекистон

Республикаси Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисида"ги қонуннинг "Қонун лойиҳаларининг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар" деб номланган IV бобида, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар" номли III бобида ўз ифодасини топиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунда миллатларнинг ўз она тилидан фойдаланиш, тарбия, таълим тилини эркин танлаш ҳуқуқлари, давлат тили ва бошқа тилларни ҳимоя қилиш кафолатланган. Мазкур Қонунда, шунингдек, давлат аппаратида у ёки бу лавозимни эгаллаш учун давлат тилини билишнинг квалификациян мезонлари, давлат тили ҳақидаги қонунни бузганлиги учун юридик жавобгарлик ҳам ўз ифодасини топиши керак. Жавобгарлик даражаси жисмоний ва юридик шахслар учун ҳар хил бўлиши бу борадаги қонунчиликнинг таъсирчанлигини белгилайдиган, унинг ижросини таъминлайдиган омиллардандир. Тил сиёсатини ишлаб чиқиш ва нутқ меъёрларини яратиш асосида халқлар (ёки кам сонли халқлар) ҳуқуқлари ғояси эмас, балки 1992 йилда БМТ томонидан қабул қилинган "Миллий, этник, диний ва тилнинг кам сонли миллатларга мансуб шахс ҳуқуқлари ҳақидаги декларация"да ақс этган ғоя ётиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунига ёзилган шарҳларнинг янги таҳририга давлат тилини билиш мажбурий бўлган иш турлари ва хизмат соҳалари, давлат тилини билиш талаб этиладиган лавозимлар рўйхатини тузиш билан боғлиқ бандларни киритиш қонундаги "ва бошқа тиллар", "мазкур ҳудуд аҳолисининг кўпчилиги", "бошқа миллат вакиллари ғуж бўлиб яшайдиган жойлар" каби атамаларни қўллаш имконини беради.

Бу ва мазкур тадқиқотда келтирилган бошқа тақлифларни ҳаётга татбиқ этиш вазифасини ижро этувчи ҳокимият органлари зиммасига юклаш лозим. Барча турдаги бюджетларни сарҳисоб қилишда ушбу вазифа ижросини

молиялаштиришни ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Баъзан давлат тили ҳақидаги қонуннинг амалий натижалар бериши мумкинлигига шубҳа қилинаётгани сезилиб қолади. Бундай фикр тарафдорлари ўз мулоҳазаларини кўча-куйларда осиб қўйилган ажнабий ва хатолари тўлиб-тошган ёзув, пештахта ҳамда рекламалар билан асослашга ҳаракат қиладилар. Давлат тили ҳақида қабул қилинган қонун йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни бирдан ҳал қилолмайди. Бунинг имкони ҳам йўқ. Аммо ўзбек тилига нисбатан оқилона давлат сиёсати асосларини яратиш, табиий сўзлашув нутқи, ўзбек тилини маънавий бойлик сифатида асраб-авайлаш, ундан давлат манфаатлари йўлида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фойдаланишни тартибга солиш учун шундай қонун керак эди ва бу қонун ўтган давр мобайнида ўзини батамом оқлади.

Бизнингча, ўзбек тили учун меъёрий макон доирасини бир марталик, тиллар муносабатларига ҳар томонлама аралашавериш йўли билан эмас, балки бир неча қонун ҳужжатлари, илгари қабул қилинган актларга янгиларини киритиб бориш йўли билан кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳага доир қонун ҳужжатларини вилоят, туман, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари талаб ва таклифлари асосида такомиллаштириш лозим. Шундай қилинса, бир томондан, вилоятларда кузатилаётган салбий тажрибага қараганда ҳам кўпроқ зиён келтирадиган нотўғри қарорлар қабул қилишнинг олди олинади ва, иккинчи томондан, жойларда тўпланган барча ижобий, умумманфаатларга хизмат қиладиган илғор тажрибаларни қонун ҳужжатларида ўз вақтида акс эттириш имкони туғилади.

Миллий тилларнинг, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат тилларининг асосий муаммолари миллий мактабларда амалга оширилаётган таълим мазмуни билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Давлат тили ҳақида"ги Қонунида миллий мактаблар фаолияти тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топган. Шу билан бирга, қўшимча сифатида яна шуни таклиф

қилиш мумкинки, ҳар қандай миллий мактаб қўшни давлатлар маданиятига - миллатлараро муносабат қоидаларига очик бўлиши лозим, чунки бу миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришнинг стратегик механизидир. Шу муносабат билан қуйидаги таклифни киритмоқчимиз:

Етакчи тилшунос олимларнинг (хусусан, Н.Жумахўжа, Ш.Кўчимов ва б.ларнинг) умумий ўрта, касб-хунар ва олий таълим тизимида ёзма ишларга, хусусан, иншога эътиборни кучайтириш лозим, чунки бу ўқувчида ижодий тафаккур, ўз фикрини ёзма ва оғзаки шаклларда аниқ ва лўнда, саводли баён қилиш кўникмаларини шакллантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида давлат тили мақоми ва бошқа тиллардан фойдаланиш масалалари таҳлиliga бағишланган ушбу тадқиқот натижалари куйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Кўп миллатли Ўзбекистон Республикасида: давлат тили, расмий тил, миллий тил, ғуж бўлиб яшайдиган аҳоли тили, миллатлараро мулоқот тили ва б. тиллар фаолият кўрсатади. Бу тилларни ифодоловчи тушунчалар ҳуқуқшуносликда ўзининг аниқ ва лўнда ифодасини топмаган. Шунинг учун ушбу ишда Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонунини янги таҳририда, энг аввало, "давлат тили", "расмий тил", "миллий тил" тушунчалари аниқ таъриф ва тавсифланиши лозимлиги қайд этилди.

2. Давлат тили давлат рамзи, мухтарам Президентимиз сўзи билан айтганда, миллатнинг руҳидир. Давлат бор экан, давлат тили айрим фуқароларнинг унга нисбатан муносабатидан қатъи назар, давлат рамзи, миллат руҳи бўлиб қолаверади. Бу ҳолат айнан бир давлатда, айнан бир ҳудудда бир миллий тил давлат тили сифатида бошқа миллий тил ўрнига чиқиши мумкинлигини, аммо ҳеч қачон давлат тили институтига раҳна солинмаслигини кўрсатади.

3. Глобаллашув даврида халқаро алоқалар кескин кучаяди ва, кўпинча, таржимон хизматидан фойдаланиш самара бермай қўяди. Натижада халқаро тилга эҳтиёж пайдо бўлади. Ҳозир бундай тил вазифасини инглиз тили бажармоқда. Кўплаб кишилар, айниқса, тижорат ва илм аҳли бу тилни ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Телекоммуникация ва интернетнинг шиддат билан ривожланаётгани халқаро тилга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Буни табиий бир ҳолат сифатида қабул қилиш лозим, чунки унинг ёрдамида кишиларнинг янги ва нисбатан мураккаб шароитларда ўзаро тушунилиш зарурияти қондирилади. Аммо бу жараёнда тескари томоннинг мавжудлигини ҳам унутмаслик керак: зўрлаш элементи юзага келади, кўплаб кишиларнинг миллий туйғулари таҳқирланади. Шунинг учун қатор

мамлакатларда, масалан, Францияда давлат ўз тилини америка-инглиз хуружидан ҳимоялаш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз орасида она тилига нисбатан бошқа тилларни ва, энг аввало, инглиз тилини ўрганишга қизиқиш кучли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Олий ўқув юртларида қатъий амал қилинган пропорция (инглиз тили - 40%, француз тили - 30%, немис тили - 30%) ҳозир бузилган ва бу маълум маънода фуқароларимиз Конституция қафолатлаган ҳуқуқлардан унумли фойдаланаётганлигини кўрсатади. Бироқ Муҳтарам Президентимизнинг "Кадрлар тайерлаш миллий дастури" қабул қилиниши муносабати билан ўзининг "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" номли маърузаларида хорижий тилларни ўрганиш минбаъд она тилини унутиш ҳисобидан бўлмаслиги керак, деган даъватларини унутмаслигимиз керак. Шунга асосланиб, биз ўзбек халқи вакиллари, этник ўзбекларга ўзбек тилини нафақат давлат тили, шунингдек, миллий тил - она тили сифатида ўқитишни замон талаблари даражасига кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаймиз. Бунинг учун Истиқлол ғоялари билан йўғрилган дастур, дарслик ва қўлланмалар яратиш лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзбек тили ва ўзбек нутқи маданиятини асраб-авайлаш ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмайди ва бу давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек тилининг бугунги ҳолатига таъсир этмасдан қолмади. Кейинги йилларда бозор иқтисодиёти ва глобаллашувнинг кучайиши, ҳамда халқаро интеграцион жараёнларнинг жадал суръатлар билан кенгайиб бораётганлиги туфайли аксарият расмий шахсларнинг оммавий чиқишларида, айниқса, ОАВ ва рекламада ўзбек адабий тили меъёрларига, хусусан, унинг орфографик ва орфоэпик қоидаларига амал қилмаслик, шевалар "жило"сини кўз-кўз қилишга ошкора интилиш, хорижий сўз ва атамалардан ноўрин ва асоссиз фойдаланиш тенденцияси сезиларли даражада кучайди. Бундай ҳолатларнинг телерадио ходимлари

ва бошловчилари, санъаткорлар нутқида тез-тез кузатилаётгани, айниқса, ачинарлидир.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни янги таҳририни ишлаб чиқишда ва унинг Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудида амал қилишини ҳуқуқ йўли билан тартибга солишнинг истиқлол ғояларига асосланган усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ва бунда, энг аввало, аниқ мақсадни кўзлаб тузилган "Ўзбек тили" Дастурини ишлаб чиқиш алоқида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Рахбарий адабиётлар

1.1. Каримов И.А. Иўлимиз - мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -Б. 37.

1.2. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори// Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -Б.325-346.

1.3. Каримов И.А. Юксак ҳуқуқий тафаккур демократик жамият тақозоси // Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -Б.25-30.

1.4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. 14- жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2006. -280 б.

1.5. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.-Б. 176.

1.6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. «Ўзбекистон», 2010.

1.7. Каримов И.А. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиши останасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

1.8. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

2. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

2.2. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг "Ўзбекистон ССР давлат тили ҳақида" Қонуни. -Тошкент: Ўзбекистон, 1989.

2.3. Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонуни. // "Давлат тили ҳақида". Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни матнлари, қонуности ҳужжатлар, қонунни амалга ошириш йўлидаги муаммо ва ечимлар. Ўқув қўлланма-мажмуа. Тузувчи: Нусратулло Жумахўжа. -Тошкент: Фан, 2008.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида" Қонуни. // "Давлат тили ҳақида". Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни матнлари, қонуности ҳужжатлар, қонунни амалга ошириш йўлидаги муаммо ва ечимлар. Ўқув қўлланма-мажмуа. Тузувчи: Нусратулло Жумахўжа. -Тошкент: Фан, 2008.

2.5. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни. 1995 йил - Тошкент: Фан, 2008.

2.6. Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. -Тошкент, 2007. №3. 20-модда.

3. Махсус адабиётлар

3.1. Абдумажидов Ғ., Шохназаров Т.Т. "Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида"ги Қонунига шарҳлар. -Тошкент: Ўзбекистон. 1990.

3.2. Абдумажидов Ғ. "Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида"ги Қонунига шарҳлар. -Тошкент: Адолат. 2004. -64 б.

3.3. Азизхўжаев А.А. Демократия халқ ҳокимияти демакдир. -Тошкент: Шарқ, 1996.

3.4. Дўстмухаммадиев Х. Оммавий ахборот воситаларини

ривожлантиришнинг демократик андозалари. -Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2005.

3.5. Жумахўжа Н. Давлат тилининг ҳуқуқий, назарий ва амалий муаммолари // "Тил ҳуқуқи - эл ҳуқуқи". Илм. мақолалар тўплами. -Тошкент: ТДЮИ, 2006.

3.6. Жумахўжа Н. Қонун тили мезонлари. -Тошкент: Муҳаррир, 2010.

3.7. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. -Тошкент: ТДЮИ, 2005.

3.8. Мадаминова Д.И. Ўзбек тилининг равнақи ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим омили // "Тил ҳуқуқи - эл ҳуқуқи". Илм. мақолалар тўплами. -Тошкент: ТДЮИ, 2006.

3.9. Мамедов Б. Қонун тили қандай бўлиш керак? // Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. -Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999.

3.10. Одилқориев Х. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими. - Тошкент: ТДЮИ, 2008.

3.11. Саидов А., Саркисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. - Тошкент: Адолат, 1994.

3.12. Саидов А.Х., Саидова Л., Кўчимов Ш., Қосимова М. Қонун ва тил. -Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1997.

3.13. Усмонов С.У. Давлат тили ва расмий услуб // "Тил ҳуқуқи - эл ҳуқуқи". Илм. мақолалар тўплами. -Тошкент: ТДЮИ, 2006.